290994

Ватанни севмак иймондандур!

Ўзбекистон овози

ÖZBEKİSTAN AVAZI

Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг газетаси

Газета 1918 йил 21 июндан чиқа бошлаган

1994 йил 24 сентябрь, шанба № 146 (21.750). Сотувда эркин нархда

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг XVI сессияси тўғрисида

АХБОРОТ

22 сентябрь куни Тошкентда ўн иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг ўн олтинчи сессияси иш бошлади. Сессияни Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши Раиси вазифасини бажарувчи Э. Халилов очди.

Мажлис аҳли Ўзбекистон халқ депутати, марҳум Қўзибоқар Синдоров хотирасини бир дақиқа сукут билан ёдга олди.

Депутатлар сессия кун тартибини тасдиқлади ва котибиятни сайлади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов сессияда катта нутқ сўзлади. Олий Кенгаш республика Президентининг нутқи юзасидан қарор қабул қилди.

Кичик танаффусдан кейин мажлисни Ўзбекистон Олий Кенгаши Раисининг ўринбосари Б. Бугров бошқарди.

Олий Кенгаш Раиси вазифасини бажарувчи Э. Халилов «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси тўғрисида»ги конституциявий қонун лойиҳаси ҳақида маъруза қилди. Қонун қабул қилинди.

Шундан кейин республика Адлия вазири А. Мардиевнинг Ўзбекистон Республикасининг жиноят, жиноят-процессуал ҳамда маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексларининг лойиҳалари ҳақидаги маърузалари тингланди. Бу кодекслар ҳам Олий Кенгаш томонидан қабул қилинди.

• • •

23 сентябрь куни Тошкентда ўн иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг ўн олтинчи сессияси ўз ишини давом эттирди.

Сессия ишида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов иштирок этди.

Сессияни Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши Раиси вазифасини бажарувчи Э. Халилов бошқарди.

Фан ва экология масалалари қўмитаси раиси А. Жалиловнинг Ўзбекистон Республикасининг «Ер ости бойликлари тўғрисида»ги Қонуни лойиҳаси ҳақидаги маърузаси тингланди. Депутатлар бу Қонунни қабул қилдилар.

Олий Кенгаш айрим қонун ҳужжатларига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритди.

Келгуси йилнинг бошида Ўзбекистон Республикаси халқ депутатлари ва маҳаллий кенгашлар депутатлари ваколатлари муддатларининг тугаши муносабати билан Олий Кенгаш шу йилнинг 25 декабрига Олий Мажлис депутатлигига, вилоят, туман ва шаҳар кенгашлари депутатлигига сайлов тайинлади.

Сўнг депутатлар Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим фармонларини ва Олий Кенгаш Раёсатининг баъзи қарорларини тасдиқладилар.

Парламент Ўзбекистон Республикаси ва Туркия жумҳурияти ўртасидаги фуқаролик, савдо ва жиноий ишлар бўйича ўзаро ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш ҳақидаги шартномани ҳамда консуллик конвенциясини ратификация этди.

Олий ва олий хўжалик судлари таркибига ўзгартиришлар киритилди.

Депутатлар ўн иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг иши тўғрисидаги ахборот матнини тасдиқладилар ва уни матбуотда чоп этиш тўғрисида қарор қабул қилдилар.

Шу билан ўн иккинчи чақириқ Ўзбекстон Республикаси Олий Кенгашининг ўн олтинчи сессияси ўз ишини якунлади.

СУРАТЛАРДА: Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг XVI сессиясидан лавҳалар.

Суратларни В. МОЛГАЧЕВ олган.

ИЖОБИЙ ИШЛАРИМИЗНИ ОХИРИГА ЕТКАЗАЙЛИК

Президент Ислом КАРИМОВнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши XVI сессиясида сўзлаган нутқи

Ассалому алайкум муҳтарам халқ ноиблари!

Қадрли дўстлар!

Олий Кенгашнинг бугунги XVI сессияси давлатимиз ва жамиятимиз тараққиётида муҳим аҳамиятга моликдир.

Аввало, бу сессия Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг уч йиллиги санасига тўғри келгани билан эътиборга сазовор. Куни кеча бўлиб ўтган байрам тантанаси бутун халқимиз ва жаҳон аҳлига танлаган йўлимизнинг тўғрилигини, мустақил тараққиётнинг ҳаётимиздаги аҳамиятини яна бир намоён этди.

Бу байрамни мамлакатимиз барқарорлик ва фуқаролар тотувлиги ҳукм сурган бир шароитда, бозор иқтисодиёти сари амалий қадамлар қўйилаётган, аҳоли ижтимоий жиҳатдан ҳар тарафлама муҳофаза қилинаётган, давлатимиз халқаро миқёсда кенг эътироф этилаётган бир вазиятда нишонлади.

Уч йил — тарих учун қисқа фурсат. Аммо жамият тараққиётини ҳал қилувчи замонда давр календарь варақлари билангина эмас, балки жамиятнинг сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва маънавий ҳаётида амалга оширилаётган ўзгаришларнинг теранлиги ва аҳамияти билан ўлчанади.

Тўла асос билан айтиш мумкинки, биз ўз миллий давлатимиз ривожининг бутун бир тарихий даврини босиб ўтдик, давлат тизими ва ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларида муҳим ўзгаришларга эришдик.

Ҳеч бир муболағасиз айтиш мумкинки халқимиз ироДаси ҳамда ваколати билан сайланган дастлабки Олий Кенгаш давлатимиз ва жамиятимиз ҳаётида тарихий бурилишга асос солди, пойдевор қурди ва бошқарди.

Ўйлайманки, ҳозир ҳар биримиз, ҳар бир депутат бугун тарих бўлиб қолган фаолиятимиздаги биринчи қўйган қадамларимизни, ўша унутилмас кунларни хаёлда қайтадан яшаб тургандекмиз. Шу боис ўша мураккаб, чигал, айни вақтда шарафли кунларнинг мазмун-моҳиятини яна бир карра кўз ўнгимиздан, юрак ва тафаккуримиздан ўтказишимиз табиий ҳолдир.

Чунки, биз бу қисқа муддат мобайнида асрларга тенг долғали бир ҳаётни бошимиздан кечирдик. Тарихда асло ўхшаши бўлмаган ижтимоий жараёнларга дуч келдик. Тақдир бизнинг авлодимиз, сизу бизнинг зиммамизга мисли кўрилмаган синов ҳамда вазифаларни юклади.

Шунинг учун ҳам бугун босиб ўтган йўлимизга холисона назар ташлаш, уни даврнинг асосий хусусиятлари нуқтаи назаридан назаридан идрок этиб баҳолаш зарур, деб ҳисоблайман. Баҳолаганда ҳам шунчаки расмий кўз билан эмас, балки инсонийлик нуқтаи назаридан тўғри ва ҳалол баҳо бериш лозим.

Нега деганда, жамиятдаги ҳар қандай янгиланиш, ҳар қандай ўзгариш аввало инсон учун, унинг ҳаётини фаровон этиш учун амалга оширилмоғи даркор. Биз бу ғояни ўз фаолиятимизнинг бош мақсади деб белгиладик ва шу йўлдан оғишмай боришга интилмоқдамиз.

Аслини олганда, биз ҳисоботни халқимиз олдида, давр олдида беришимиз даркор. Қилган ишларимиздан элу юртимизга нима наф тегди, депутат, раҳбар ёки оддий фуқаро сифатида Ватанга қандай фойда келтирдик, деб ўзимизга савол берсак, менингча, адолат юзасидан иш тутган бўламиз.

Чунки охир-оқибатда бизнинг барча ишларимизга ҳаққоний баҳо берадиган одил ҳакам — бу халқ, шу азиз юртдошларимиздир.

Шу маънода ўтган даврга, аввало, дунёнинг сиёсий-ижтимоий жараёнлари нуқтаи назаридан назар ташлаш ўринлидир.

Маълумки, XX асрнинг сўнгги ўн йиллиги улкан ва унутилмас воқеаларга ниҳоятда бой бўлди. 70 йилдан зиёд вақт давомида дунё иккита қарама-қарши лагерга бўлиниб, инсоният доимий таҳлика остида яшади. Жаҳонда ўзаро таҳдид ва қўрқув муҳити ҳукм сурди.

Айни пайтда ер юзининг турли минтақаларида миллий озодлик ва мустақиллик ҳаракатлари кучайиб борди. Мазлум халқларнинг эрк учун кураши асрнинг ғоясига айланди. Ўзга давлатларга тобе бўлиб келган кўплаб мамлакатлар бирин-кетин эркинликка эриша бошлади. Мустамлакачилик сиёсати ижтимоий ҳодиса сифатида халқаро майдонда ҳалокатга маҳкум этилгани тобора аён бўла борди.

Айтиш мумкинки, бу жараён XX асрнинг энг асосий, энг муҳим ижтимоий-сиёсий тамойили сифатида ажралиб туради.

Ва ниҳоят, аср адоғига келиб тарих тақозоси билан оламдаги йирик ва сўнгги империялардан бири бўлмиш СССР емирилди. Ҳар қанча олийжаноб шиорлар билан бежаб бўялса-да, моҳият эътиборига кўра мустамлака салтанати бўлган Совет Иттифоқи бесамар коммунистик тажриба қурбони бўлди.

Дунёнинг олтидан бир қисмини эгаллаган улкан мамлакатда мутелик ҳолатида яшаган халқлар қарамлик кишанларидан халос бўлдилар. Уларнинг ҳар бири ўз имконияти, ўз ақл-заковати даражасида миллий давлатларни барпо этишга киришди.

Ўзбекистон халқи ҳам асрий орзусига эришди. Азиз Ватанимиз узра истиқлол байроғи ҳилпиради.

Ҳурматли депутатлар!

Юртдошлар!

Кейинги тўрт-беш йилда орттирилган озми-кўпми тажрибамиз, жамиятимизда бўлаётган ўзгаришлар, мамлакатимизда кечаётган жараёнларнинг хусусиятлари дастлабки якунлар, ютуқ ва хаталаримизнинг сабоқлари ҳақида айрим хулосаларни чиқаришга имкон беради.

Лекин бундай хулосаларни баён этиш ва таҳлил қилишдан олдин, бир зумга бўлсада, тўрт-беш йил муқаддам бошимиздан кечган 1989—1990 йилларга хаёлан қайтайлик.

Баъзи бир ғоят қийин, лекин табиий саволларга жавоб берайлик:

— Ўйлаб кўринглар, азиз дўстлар, ўшанда бизлар ким эдик?

— Ўша йиллар умуман қандай давр эди?

— Тақдиримиз, эркимиз кимларнинг қўлида эди?

— Каъба деб қаерга сиғинар эдик? Ҳар тонг «Ассалом»... деган мадҳия оҳанглари остида кимларга қуллуқ қилиб уйғонардик?

— Тилимиз, динимиз қай аҳволда эди? Имом Бухорий, Ат-Термизий, Хожа Баҳоуддин Нақшбандларнинг муқаддас ҳокларига эътибор бормиди? Амир Темур, Бобур ва бошқа улуғ бобокалонларимизнинг буюк номлари қайси тупроқларга қоришиб ётган эди?

— Миллий ғуруримиз, инсонлик шаънимиз, урф-одатларимиз қандай тушунчаларга алмаштирилган эди?

— Хўш, ўзимиз-чи? Ўзимиз ўзлигимизни билармидик? Қандай мўътабар замин, улуғ аждодларимизнинг ўлмас мерослари билан озиқланган ер ўғлонлари эканимизни англармидик?

— Айтинглар, ўша кезлари Ўзбекистонни дунёда биров биларми? Биров бизлар билан ҳисоблашармиди? Жаҳон миқёсида бирор киши бизни назарига илармиди?

— Юртимиз қандай ва қанча беқиёс бойликлар хазинаси эканидан қай биримиз хабардор эдик?

— Ғўё миллий ифтихор бўлмиш пахта, ҳақиқатда миллий ғурур ўрнига бўйинтуруқ бўлиб, халқимизни ялангоёқ қилишдан, бошимизга азоб-уқубат, таъна-маломатдан бошқа нима келтирарди?

— Яна бир бор эслаб кўринглар, азиз юртдошларим, куни кеча эмасмиди бошимизни кўтармасдан яшаганимиз? Кремлнинг ҳар бир имосига маҳтал бўлиб, ярим қуллик ҳолатида кун кечирганимиз?

У кунларни унутишга бизнинг асло ҳаққимиз йўқ. Буни ҳаммамиз яхши англаб олишимиз зарур.

Ёки истиқлолнинг дастлабки чоғларини ёдга олайлик. Ўша пайтларда шундай чигал, хатарли вазиятлар рўй бердики, агар биз салгина янглишсак, ҳушёрлик ва қатъиятни озгина бой бersак, баъзи бир бақириқ-чақириқ йўлига ўтган «доҳий»ларнинг гапига кирсак, ўта хотиржамлик ва ғафлатга берилсак, эҳтимол, бугунги кунда халқимиз тақдири, Ватанимиз тақдири бутунлай бошқа йўлдан кетиши, боши берк кўчаларга кириб қолиши мумкин эди.

Буниям аниқ тасаввур қилишимиз керак.

Шукурки, Оллоҳ барчамизга шундай қийин фурсатларда ақл-идрок берди, сабр-матонат ато этди, бир-биримизга бўлган меҳр-оқибатдан айирмади. Халқимиз, миллатимиз шу мушкул синов кунларига том маънода бир тану бир жон бўлиб бардош берди, ўзининг улуғ фазилатлар соҳиби эканини яна бир карра намойиш этди!

Бунинг учун мен шу элу юртнинг бир фарзанди сифатида мана шу юксак минбардан туриб халқимизга таъзим қиламан.

Бизнинг бугун эришган энг катта ютуғимиз, энг катта бойлигимиз — халқимизнинг ақл-заковати, унинг танлаган йўлимизга нисбатан ишончи, мамлакатимизда ҳукм сураётган халқлараро дўстлик, фуқаролар тотувлиги, юртимизнинг тинчлиги ва осойишталигидир.

Чунки фақатгина шу йўл билан халқимизни, миллатимизни таҳликали дунёда омон сақлаш ва камолга етказиш мумкин.

Азиз дўстлар!

Юқорида зикр этилган фикрларни умумлаштирсак, бугунги кунимизни тўқсонинчи йил билан солиштирсак, қиёсласак, ҳаётимизда бўлаётган ўзгаришларни, эришилган ютуқларимизнинг асосий мезони деб:

Биринчи навбатда, одамларнинг дунёқараши ўзгариши, ғурур, орият, шаън ва номус туйғулари кучайиши, ҳаётга ва меҳнатга муносабати, Ватанга, юртимизга меҳри, эгалик ва масъулият ҳисси кучайишини кўрамиз.

Қайта қуриш даврида кишилар онги бузилганини бир марта эслаб кўрайлик. Ўшанда бизлар ҳам юқумли бир касалга мубтало бўлувдик. Яъни, сохта демократия ниқоби остида қилинган узоқни кўзламаган турли ҳаракатлар ҳали ҳам ёдимизда. Биз шундай касалликдан бошқаларга нисбатан анча осон қутилдик.

Мамлакатимиз — ягона оила, деган ақида қарор топди. Жамоаларда, маҳаллаларда, оилада маънавий иқлим соғайганини ўз кўзимиз билан кўриб турибмиз. Бу янги даврнинг олийжаноб хусусиятларидан биридир.

Бугунги кунимизга хос ёрқин хусусиятлардан яна бири миллатнинг ўзлигини англашидир. Ниҳоят, қайси заминда яшаётганимизни хис этиш, қандай гўзал ва қадимий юрт фарзанди эканимизни тугал англаш фурсати келди.

Ҳаётимизда, умуминсоний қадриятларга интилиш билан бирга, Шарқ фалсафаси муносиб ўрин топяпти. Орамизда яна қайтадан мусулмончилик, халқимиз соддагина қилиб «ўзбекчилик» деб атайдиган меҳру оқибат, ўзаро чидам ва ҳурмат, ўзгаларнинг дардига ҳамдард бўлиш каби олийжаноб фазилатлар қарор топяпти. Бу улуғ ақидалар қалбимиз тўридан тобора кўпроқ жой олаётгани катта аҳамиятга эга.

Ота-боболаримиз дини бўлмиш Ислом динимизни қадрлаш, унинг таълимоти ва таъсири ҳаётимизни, маънавиятимизни янги мазмун билан тўлдиришга хизмат қилмоқда. Буни ҳеч ким инкор этолмайди.

Наслу насабини билмаган киши инсон саналмайди. Неча йиллар бизни тарихимиздан, динимиздан, маънавий меросимиздан ғофил этишга уриндилар.

Аммо биз ҳурриятни орзу этишдан, ҳурият учун курашишдан чарчамадик. Маслагимизни, наслу насабимизни доимо ёдда сақладик.

Улуғ бобокалонларимиз руҳига, башарият тарихи ва маданияти хазинасига катта ҳисса қўшган улуғ аждодларимизга, улар қолдирган улкан меросга муносиб бўлиш истаги жамиятимиз аъзолари орасида кенг ёйилиши, ҳар бир фуқаронинг онгидан

(Давоми 2-бетда).

ПРЕЗИДЕНТ ҲУЗУРИДА ҚАБУЛ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 23 сентябрь куни халқаро валюта фондининг II Европа департаменти директори ўринбосари Эдуард Брау ва ана шу фондниг Ўзбекистондаги вакили Иштван Цалканни қабул қилди. Суҳбат чоғида халқаро валюта фонди билан ҳамкорликни ривожлантириш масалалари муҳокама қилинди.

— Ўзбекистонда ислоҳотлар қатъий режа асосида амалга оширилмоқда,— деди Ўзбекистон раҳбари.— Бу ислоҳотлар мамлакатимизнинг иқтисодий, ижтимоий ва сиёсий ҳаётини тубдан ўзгартириши керак. Албатта бу ўзгаришлар иқтисодий заминга қурилиши лозим. Шунинг учун ҳам биз халқаро валюта фонди билан ҳамкорликка катта эътибор бермоқдамиз.

Э. Брау самимий қабул учун миннатдорлик билдириб, Ўзбекистон билан алоқалар мустаҳкамланиб бораётганидан мамнуният изҳор қилди. Миллий валютанинг барқарорлигини таъминлаш учун Ўзбекистонга кредит ажратиш ҳақидаги ҳужжат яқин орада имзоланади, деб умид билдирди.

Суҳбатда Бош вазир ўринбосари Б. Ҳамидов, Марказий банк бошқаруви раиси Ф. Муллажонов иштирок этди.

(ЎзА).

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг қарори

БИРИНЧИ ЧАҚИРИҚ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИГА ҲАМДА ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ВИЛОЯТ, ТУМАН ВА ШАҲАР КЕНГАШЛАРИГА САЙЛОВЛАР ТАЙИНЛАШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 78-моддасига, «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги Қонунинг 7 ва 19-моддаларига, «Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар кенгашларига сайлов тўғрисида»ги Қонунинг 19-моддасига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутатлари ҳамда халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар кенгашлари депутатлари сайлови 1994 йил 25 декабрга белгилансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутатлари сайловини ўтказувчи битта сайлов округига тўғри келадиган сайловчилар нормаси ўртача 44,1 минг сайловчи ҳисобидан белгилансин.

3. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов ўтказувчи Марказий сайлов комиссиясига аввало маъмурий-ҳудудий бўлинишни назарда тутган ҳолда сайлов округларини муайян миқдордаги сайловчилардан иборат таркибда тузишга рухсат берилсин.

4. Белгилаб қўйилсинки, Олий Мажлис депутатлари сайловини ҳамда халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар кенгашлари депутатлари сайловини ўтказувчи умумий сайлов участкалари ҳамда участка сайлов комиссиялари «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги Қонунинг 8 ва 14-моддаларига мувофиқ ташкил этилади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши Раиси вазифасини бажарувчи

Э. ХАЛИЛОВ.

Тошкент шаҳри,
1994 йил 23 сентябрь.

ИЖОБИЙ ИШЛАРИМИЗНИ ОХИРИГА ЕТКАЗАЙЛИК

(Давоми. Боши 1-бетда).

мустаҳкам жой олиши — бу ҳам янги замоннинг муҳим хусусияти.

Ўзбекистон — муқаддас Ватан. Отабобомиз хоки ётган ер. Ўзимиз ётадиган ер. Фарзандларимизни шу заминга садоқат руҳида тарбиялаш, уларнинг қалбларида шу муборак заминнинг ҳар бир қаричига меҳру муҳаббат уйғотиш — бугунги куннинг энг устивор фазилатларидан бирига айланаётгани ҳаммамизни қувонтиради.

Тарихий шон-шуҳратимизни, бугунги кунимизни, жаҳонда тутган ўрнимизни англаб, порлоқ келажакка муносиб соғлом авлодни тарбиялаш ва вояга етказишга эътибор бераётганимиз ҳам — бугунги кунимизнинг ёрқин белгисидир.

Янги жамият ва давлат қуришда дадил қадамлар қўйдик.

Тоталитар тузумдан ва унинг бошқарув услубларидан батамом воз кечдик. Республикада жаҳон тажрибасига жавоб берадиган, ўзимизнинг дунёқарашимизга мос сиёсий тизим қарор топяпти.

Вилоятлар, шаҳар ва туманлар ҳудудида миллий онгимиз ва анъаналаримизга хос ҳокимлик институти барпо этилди. Айни замонда, маҳаллий ўз-ўзини бошқаришга, яъни маҳаллага катта эрк ва ҳуқуқлар берилди. Янги бошқарув тизими халқимиз табиатига, халқимиз талабига мос келиб, юртимизда тинчлик ва тотувликни сақлаш гарови бўлмоқда.

Бошқарувга янги ва ёш, жисмоний ва маънавий соғлом авлод вакилларининг кўпроқ жалб этилаётгани ҳам — бугунги куннинг яна бир фазилатидир.

Катта ютуқларимиздан яна бири шуки, биздан олдинги авлодлар озиқланган муборак заминда янги юксак бино — буюк давлат қуриш ва жаҳон давлатлари орасида муносиб ўрин эгаллаш учун ҳаракат бошланди.

Бу улуғвор мақсад сари сабот билан интилиш ҳам — янги давр аломатидир.

Юртимизда бошланган бундай ҳаракатларда фахрийларимиз, нуроний отахонларимиз ва онахонларимизнинг ҳиссаси катта бўлгани бизни беҳад қувонтиради. Уларнинг биз билан бирга, ёнма-ён, елкама-елка туриб, бизларга ақл ўргатиб, онгимизни бойитиб, керак бўлган чоғларда, бугунги тинч ва осойиш ҳаётимизнинг қадрини тўғри тушунтириб, савоболи ишларимизга оқ фотиҳа бериб тургани бизга доимо мадад бўлади, кучимизга куч, ғайратимизга ғайрат қўшади.

Яъники, бизнинг жамиятда бўлиниш, пароканда лик юз бермади. Аҳиллик ва умум маслаҳати қарор топди. Бу ҳам бизнинг энг муҳим ютуғимиз ва кучимиздир.

Айни замонда, ўз миллий мафкурамизни шакллантириб, ўзлигимизни тобора кўпроқ англаб бораётган бир шароитда бошқа миллатларга ҳурмат, юртимизда яшаётган ҳар бир инсонга — унинг ирқи, миллати, диний эътиқодидан қатъи назар — муносиб шароит яратиб бериш йўлида қилинаётган саъй-ҳаракатлар ҳам бугунги даврнинг энг олижаноб фазилатидир.

Ҳурматли депутатлар!

Бугунги ҳаётимиздаги энг долзарб вазифа, бу — иқтисодий ислоҳатларни тез суръатлар билан пировардига етказиш, уларнинг самарасидан баҳраманд бўлишдир.

Бунинг учун бошлаган ишларимизни жадал давом эттиришимиз керак. Бугунги кундаги энг муҳим ва ҳал қилувчи вазифа — мулкни давлат тасарруфидан чиқариш, хусусийлаштириш ишларини охирига етказиш, мулк шаклини ўзгартириб, уни ўз эгасига топшириш деб биламан.

Бу вазифани бажаришда — хоҳ саноатда ёки қурилишда, хоҳ савдо ёки хизмат кўрсатиш соҳасида, хоҳ қишлоқ хўжалик тармоқларида бўлсин — ҳеч қандай расмиятчиликка, хўжакўрсинликка, "мендан кетгунча — эгасига етгунча" деган бепарволикка йўл бермаслик керак.

Белгиланган тадбирларимизда энг катта эътибор — мулкчилик шаклидан қатъий назар — корхона, ташкилот, хўжалик меҳнат жамоаларининг **иқтисодий мустақиллигини** янада мустаҳкамлаш, уларнинг масъулиятини оширишга қаратилади.

Яна бир муҳим масала. Шахсий ва хусусий мулк эгаларига, уларнинг даромадига кўз олайтирмасдан, кенг йўл очиб бериш. **Қонун ва фармонларимизда белгилаб қўйилган дахлсизлик ва кафолатларнинг қоғозда эмас, амалда бўлишига эришмоқ даркор!** Афсуски, ҳозирча ҳаётда шундай бўлмаяпти. Аввалги — ҳаммани сунъий равишда тенглаштириш даври ўтди. Бу масаладаги қарашимизни ўзгартиришимиз даркор. Чунки бир одам ҳалол меҳнати орқали бойиса, бошқаларга ҳам нафи тегади. Халқ бой бўлади.

Маълумки, меҳнат жамоаларига биз талай эркинликлар бердик.

Халқ хўжалигини бошқариш тизими қайта тузилди. Вазирликлар ва уларнинг органлари маъмурий бошқарув тизимининг жойлардаги бўлими сифатида тугатилди.

Давлат буюртмалари бекор қилинди ёки кескин қисқартирилди. Эркин нархга ўтдик. Бор ҳуқуқ ва имкониятлар бевосита ишлаб чиқарувчининг ўзларига бериб қўйилди.

Бу тадбирларимиз илк самарасини бермоқда. Лекин ислоҳотлар йўлидаги фаолиятимизни танқидий кўз билан холисона баҳоласак, кўп ачинарли ҳолатларни кўриш мумкин.

Аввало, ишлаб чиққан дастуримиз, тадбирларимизни ҳаётга тадбиқ қилишда айрим раҳбар ва ходимларнинг **тушунчаси, ислоҳотга муносабати ва масъулияти, иш бажариш интизоми** кўп жойларда талаб даражасида эмас.

Бир нарсани жуда яхши ўрганиб олганмиз: минбарларда, мажлисларда сўзга чиқиб, ислоҳотларни мақтаймиз, иш қиляпмиз, деб одамларни ишонтирамиз, баланд парвоз ваъдалар берамиз, амалда эса — бутунлай бошқа ҳолат.

Бундай юқумли касалликдан, хўжакўрсинга вайсашдан, расмиятчиликдан тезроқ қутилиш керак. Бундай ҳолатнинг чўзилиши, аввало, ислоҳотнинг ўзига, аҳамияти ва обрўйига доғ тушириши, охир-оқибатда эса, одамларимизнинг ислоҳотлардан ихлоси қайтишига сабаб бўлиши мумкин.

Бугунги энг муҳим вазифа — халқимизнинг, ишчиларимизнинг бор кучини бунёдкорликка сафарбар қилиш.

Албатта, ҳаммамиз ҳам биринчи навбатда, раҳбарлик лавозимида ўтирган кишилар, бугунги кун талабларига жавоб бериш учун билим ва малакамизни оширишимиз, замонавий тажрибаларни қунт билан ўрганиш, изланиш ва тадбиркорлик йўлида ўзимизни аямаслигимиз лозим.

Албатта, тайёр раҳбар ва мутахассисларни топиш қийин. Аслида бу — энг мураккаб масала. Чунки раҳбарлик қобилияти ҳам одамнинг пешонасига битилган бўлади. Агар раҳбар эгаллаган лавозимига муносиб бўлса, ўша жойда халқ ўз ҳимоясини топади. Лекин, минг афсуски, раҳбарларимизнинг кўпчилиги ҳануз боқимандалик кайфиятидан қутилгани йўқ, эски тизимнинг қотиб қолган услуб ва асоратларидан халос бўлмаяпти.

Кимдир юқоридан келиб уларга ҳамма шарт-шароитларни ташкил қилишига умид боғлаб, ўз масъулиятини сезмасдан ўтирган раҳбарларни учратиш жуда ачинарли ҳолдир.

Ҳаммамиз яхши тушунамиз: бугунги қийинчиликларни енгиш, тўғри йўл топиш, бу — жуда мураккаб ва қийин вазифа. Лекин, шу билан бирга, раҳбарлик қобилияти бўлган, керак бўлса, қаттиққўллик хусусиятларига эга, инсофли, диёнатли одамларнинггина раҳбарлик тўнини кийишга маънавий ҳаққи бор. Элим, юртим деб ёниб яшаш керак деган шиор энг аввало ана шу раҳбарларнинг ҳаётий маслаги бўлмоғи лозим.

Ҳаётий тажриба шуни кўрсатдики, инсофли, янгиликка интилувчи, кучли раҳбар атрофида соғлом фикрловчи, изланувчан, тадбиркор ва ишбилармон кишилар кўпаяди. Қарабсизки, бундай иш қайнаб турган жойда муҳит ҳам соғлом, одамларнинг кайфияти ҳам яхши.

Муҳит қаерда носоғлом? Бу саволга аниқ жавоб бериш мумкин.

Қўлидан иш келмайдиган, манманликка берилган, ғўдайган, атрофидагиларни менсимайдиган, уруғчилик, маҳаллийчиликни авж олдирган, аввало ўз манфаатини кўзлайдиган раҳбар шундай носоғлом аҳволга, жанжал, тўполон, қарамақаршилик ва адоватга тўла муҳитга сабаб бўлади.

Халқимиз "бир кун жанжал бўлган жойдан қирқ кун барака кетади", деб бежиз айтмайди, муҳити носоғлом бундай хўжалик ва туманларда ҳақиқатдан ҳам файзу барака ва омад йўқолади. Шунга қараб, хулосани ўз вақтида чиқарсак, ишимиз ҳам ўнгидан келиб, тезроқ юришиб кетади.

Ҳурматли халқ ноиблари!

Ҳаммангизга маълумки, бизга эски тузумдан мерос бўлиб қолган носоғлом иқтисод асоратларини йўқотмасдан, айниқса, хом ашё минтақасига айланган, бир ёқлама ривожланган ишлаб чиқаришни ўзгартирмасдан туриб, тўла мустақилликка эришиш қийин.

Ўтмишнинг бундай оғир асоратларини ҳали ҳамон сезиб турибмиз.

Шу боисдан ҳам эски хатоларни тузатиш билан бир вақтда, бутунлай янги иқтисодиётни шакллантиришимиз керак.

Соҳа тизимлари жиддий ўзгартиришларга муҳтож. Қисқа вақт мобайнида кескин ўзгаришларга эришиш, биринчи навбатда, ихчамгина замонавий технологияга суянган тайёр маҳсулот чиқарувчи корхоналарни бунёд этиш ўта мушкул экани равшан ва бу кўплаб маблағ ҳамда инвестицияларни талаб этади.

Лекин бугуннинг ўзидаёқ халқ хўжалигини жумҳурият эҳтиёжлари ва халқ талаблари томон буриш учун бутун кучимизни сарфлашимиз зарур. Бу соҳада дастлабки қадамлар қўйилди. Энди уларни мустаҳкамлаш ва янада ривожлантириш керак.

Маълумки, ҳар қандай давлат, шу жумладан, жумҳуриятимиз ҳам энергетика мустақиллигига эришгандагина чин маънода мустақил бўла олади. Яқин-яқингача биз ҳаётмамотимизга дахлдор нефть, нефть маҳсулотлари ва энергия ресурсларини асосан Россиядан олиб келишга мажбур эдик. Лекин кейинги икки-уч йил мобайнида бу соҳада ҳам мустақилликка эришиш йўлида кўп иш қилинди. Мен бугун Мингбулоқ, Кўкдумалоқ конларини ўзлаштиришда матонат кўрсатган инсонларга яна бир бор ташаккур айтаман.

Бугун эса вазият ўнгланмоқда. Ёқилғи-энергетика мажмуи яхши ишламоқда. Нефть, табиий газ, кўмир қазиб олиш ҳажми кўпайди. Нефть қазиб олиш ҳажми икки баробар ортди, мамлакатимизнинг ўзида мазут, дизель ёнилғиси, нефть мойларини ишлаб чиқариш сезиларли даражада ортди. Бу борада Мингбулоқ ва Кўкдумалоқдаги нефть конлари яхши истиқболлар очмоқда. Бухоро нефтни қайта ишлаш заводини қуриш ишлари жадал давом этмоқда.

Бутун Ёқилғи-энергетика комплексини бундан буён ҳам жадал ривожлантириш сиёсатимизнинг устивор вазифаси бўлиб қолаверади.

Жумҳуриятимиз ҳамиша ўзининг қишлоқ хўжалик соҳасида етиштириладиган хомашёси билан донг таратиб келган. Шу нуқтаи назардан, қайта ишлаш соҳаларида ихчамгина ва тижорат талабига жавоб берадиган корхоналарни қуриш ва уларни замонавий технология билан таъминлаш, сифатли ва рақобатга бардошли халқ истеъмол маҳсулотлари тайёрлашни йўлга қўйиш муҳим стратегик вазифа бўлиб қолмоқда.

Энди биз хомашё ёки арзон-гаров ярим тайёр маҳсулотлар эмас, аксинча, замонавий, ўта харидоргир тайёр моллар сотишни ўрганишимиз зарур.

Ҳудудий тизимни такомиллаштиришга ҳам алоҳида эътибор бериш зарур. Вилоятлар ва Қорақалпоғистон Республикасининг салоҳияти ва меҳнат имкониятларидан етарли даражада ва самарали фойдаланаётгани йўқ.

Юртимизда ҳалигача ишлаб чиқариш базаси ривожланмаган. Инфраструктураси қолоқ аҳоли пунктлари ва қишлоқлар кўплаб топилади.

Афсуски, айрим жойларда одамлар сифатли ичимлик сув, табиий газ ва маиший хизмат турларидан баҳраманд бўла олмаяпти. Галдаги вазифа қишлоқ аҳолисига ҳам шаҳардагидан қолишмайдиган шарт-шароит яратиб беришдан иборатдир.

Бунинг учун ҳудудларни комплекс ҳолда ривожлантириш, қишлоқнинг ижтимоий қиёфасини тубдан ўзгартириш — бугунги долзарб вазифамиздир.

Илгари бир неча бор таъкидлаган гапни яна бир марта қайтариб ўтмоқчиман: ўзининг келажагини ўйлайдиган ҳар бир давлат, аввало, қишлоқ хўжалигини ривожлантиришга кўмак бериши зарур. Унга ҳар томонлама: иқтисодий, моддий ва илмий-техник жиҳатдан ёрдам қилмоғи шарт. Қишлоқ иқтисодимиз ва халқимиз фаровонлиги пойдеворидир.

Биз шу пайтгача қишлоқ хўжалигига асосий эътибор бериб келдик ва шундай бўлиб қолажак. Бу соҳага кўп имтиёзли иқтисодий шароит яратилмоқда. Пахта ва ғалланинг харид нархлари бир неча марта оширилди. Қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг деярли барчаси эркин нархларда сотилмоқда. Давлат буюртмасини пешма-пеш камайтириб, хўжаликларнинг ўзига кўпроқ иқтисодий эркинлик беряпмиз. Давлат хўжаликлари жамоа ва ижара хўжаликларига айлантирилмоқда.

Деҳқон-фермер хўжаликлари сони, улар ихтиёридаги ер майдонлари ва томорқалар кўпаймоқда.

Шу билан бирга, қишлоқдаги ислоҳотлар тоқат қилиб бўлмайдиган даражада суст кечаётганини ҳам тан олиш керак.

Билмадим, сиз ҳурматли депутатлар буни қандай баҳолайсиз, лекин, менимча, қишлоқда ўтказилаётган ислоҳотларни охиригача етказиш йўлида тўсиқ-ғов бўлиб турган **расмиятчилик, лоқайдлиқ, ўтакетган бепарволик, боқимандалик ва порахўрлик** каби иллатларга қарши жиддий кураш бошлаш вақти келди, деб ўйлайман.

Токайгача ислоҳот йўлида қонун-қарорлар қабул қилиб, уларни амалга оширишга турли поғоналарда тўсиқ бўлиб турган масъулиятсиз, ўз манфаатларидан ўзга ҳеч нарсани билмайдиган одамларга чидаб юрамиз?

Токайгача тили бошқа-ю, дили бошқа бўлган одамларни сафимизда сақлаймиз?

Бугунги вазиятга бир назар ташласак, юқорида — Республика даражасида қабул қилинган фармон ва қарорлар жойларга етиб боргунча, айрим мунофиқ амалдорлар уларни амалга ошириш у ёқда турсин, мазмунини ҳам ўзгартириб юборади. Айтинглар, токайгача бу аҳволга тоқат қилиб турамиз?

Ҳурматли юртдошлар!

Ўзбекистон учун, халқимиз учун, иқтисодий мустақиллигимизга эришиш учун ғаллага бўлган эҳтиёжимизни ўз кучимиз билан қондириш масъуляти ҳақида ортиқча гапиришнинг ҳожати йўқ.

Оддий ҳисоб-китоблар шуни кўрсатадики, халқимизни боқиш учун 3 миллион 800 минг тоннага яқин ғалла керак. Шунча ғалла тайёрлаш учун Ўзбекистонда тўла шарт-шароит ва имконият бор. Шу йилнинг ўзида ғаллакорлик учун 650 минг гектар суғориладиган ва 550 минг гектар лалми ер ажратилган эди.

1995 йилда эса бу мақсадларга, лалми ердан ташқари, суғориладиган ернинг ўзидан 1 миллион гектарга яқини ажратилиши белгиланди. Ўзингиз бир ҳисоб-китоб қилиб кўринг, қадрли дўстлар, агар шунча суғориладиган ернинг ҳар гектаридан 35-40 центнердан ғалла олсак — марра бизники.

Лалми ерлардан эса ўртача 10 центнердан ҳосил олинса, бу — яна қўшимча 500 минг тоннадан ортиқ ғалла демакдир.

Яна такрорлаб айтаман, республика бўйича ўртача 40 центнердан ғалла олиш, бу — қўлимиздан келадиган вазифа. Ахир, қачонгача олтинимиз, пахтамиз эвазига четдан ғалла олиб келамиз. Токи, ғалла мустақиллигига эришмас эканмиз, иқтисодий мустақиллик ҳақида гапириш ортиқча.

Лекин, бугунги кунда аҳвол жуда ачинарли. Ўзларинг айтинглар: нега Самарқанд вилоятининг Жомбой туманида айрим бригада ва хўжаликлар 60-65 центнердан хирмон кўтаради-ю, Тошкент вилоятида ва бошқа қолоқ туманларда бу кўрсаткич ўртача 22 центнердан ҳам ошмайди?

Қорақалпоғистонда сувли ердан олинган ўртача ҳосил 8 центнер бўлса, буни биз қандай баҳолашимиз керак?

Бунинг сабабини, биринчи навбатда, раҳбарларнинг масъулияти ва ғоя муносабати сустлигида кўриш керак. Қолаверса, узоқ йиллар мобайнида биз "пахта, пахта" деяверидик, ғалла етиштириш технологиясини, сир-асрорини унутиб қўйдик.

Нафақат СССР, балки бутун дунёдаги социалистик давлатларнинг пахта мустақиллигини таъминлаган мамлакатимиз, нима учун нон ва ғалла масаласида ўзининг мустақиллигига эриша олмайди?!

Мустақиллик, истиқлол ҳақида баландпарвоз гаплар билан юрган айрим ҳокимлар ва хўжалик раҳбарларига шу саволни беришимиз керак:

Барака топқурлар, халқимизнинг асосий озиқаси бўлмиш нон билан таъминлашда белни қаттиқ боғлаб, ўзларингни кўрсатинглар. Ҳақиқатда ҳам Ватан ва юрт мустақиллиги ва истиқболига садоқатли эканингизни сўзда эмас, амалда исбот қилинглар!

Ҳамма, айниқса ҳокимлар билиб қўйсин: бу масала бўйича сўроқ жуда қаттиқ бўлади! Бундан буён ҳар бир раҳбарнинг фаолияти Ватаннинг иқтисодий мустақиллигини таъминлашга нечоғли ҳисса қўшгани билан ўлчанади.

Шу маънода ўзимизни картошка билан таъминлаш масаласини олиб кўрсак, ҳеч қандай ақлга сиғмайдиган аҳволга дуч келамиз. Ўтган йили Голландиядан келтирилган 12 минг тонна уруғлик картошканинг 3 минг тоннаси чириб кетган. Сабаби — ишга масъулиятсизлик, халқ мулкига хиёнат. Аввало, технология талабига кўра июнь-июль ойларида экилиши лозим бўлган картошка, бир ой кеч — августда ерга тушган. Қолаверса, ихтисослашган сабзавотчилик институтимиз бўлатуриб, уруғликнинг бизнинг шароитимизга мос келадиганини танлаб олиш учун ҳеч ким сафарбар қилинмаган. Бу ҳол бу йил ҳам такрорланганига нима дейиш мумкин? Бу иқтисодий қўпорувчиликка ким жавоб беради? Ким айбдорларни жазолайди? Бундай ҳолатларни кўриб одам ёниб кетади!

Муҳтарам дўстлар!

Халқимиз бекорга "Ерни боқсанг, ер сени боқади", деб гапирмайди. Афсуски, ерга муносабатимизни ижобий баҳолаш қийин. Бошқа давлатлар билан солиштирганда, бизда ер унумдорлиги, ҳосилдорлиги бир неча марта кам эканини ҳаммамиз яхши биламиз-у, лекин нега тегишли чора кўрмаймиз?

Яна бир мисол: бугунги кунда одамларнинг эҳтиёжини қондириш учун ажратилган сувли томорқа ерлари майдони тахминан 700-750 минг гектарни ташкил этади. Томорқага ишлов бериб, катта даромад топиб, рўзғорини обод қилаётган миришкор деҳқонларимиз жуда кўп.

Шу билан бирга, айрим жойларда ҳар қаричи олтинга тенг бебаҳо томорқа ерларини ажриқ босиб ётганини кўрган одам: "Ажабо, ер эгаси ҳам шунчалик ношукур бўладими?!", деб ҳайратдан ёқасини ушлайди.

Қиссадан ҳисса шуки, томорқани ерни севган, ерга меҳри баланд, ерни улуғлайдиган деҳқонларга беришимиз керак. Ерни тепган, ерни хор қилиб қўйган одамларни томорқадан маҳрум қилиш зарур.

Агар замонавий юксак деҳқончилик маданияти нуқтаи назаридан қарасак, Ўзбекистон шароитида 4 миллион 200 минг гектар сувли ер бўлса, ана шу майдонда аҳолининг бор-йўғи 7-10 фойизи ишлаб, иқтисодимизнинг, халқимизнинг қишлоқ хўжалиги маҳсулотларига бўлган эҳтиёжини ҳар томонлама таъминлаши мумкин.

Қишлоқда истиқомат қилаётган аҳолининг қолган қисмини бошқа етарли даромад берувчи тармоқлар, саноат, қурилиш, савдо ва халқимизга хизмат қилувчи бошқа соҳаларга жалб этиш масаласини ҳал қилишимиз даркор.

Мисол учун, Жанубий Корея Республикасида 2 миллион гектар суғориладиган ердан, яъни Ўзбекистонга нисбатан икки марта оз ердан олинадиган маҳсулот, 42 миллионлик халқини таъминлаб, яна экспортга ҳам жўнатилади. Қишлоқ хўжалиги соҳасида бор-йўғи 5-7 фоиз ишловчи аҳоли банд, хулосани ўзингиз чиқараверинг.

Ҳурматли халқ ноиблари!

Шу йилнинг 1 июлидан жумҳурият ҳаётида, иқтисодий ислоҳотларни ривожлантириш соҳасида янги босқич бошланди. Янги миллий пул бирлиги — сўмни муомалага киритдик. Биз бу муҳим ишга узоқ ва пухта тайёргарлик кўрдик. Миллий валюта — бу миллий ғурур, давлат мустақиллиги рамзи ҳамда эгамен давлат белгисидир. У юксак қадр-қиммат ва куч-қувватга эга бўлмоғи керак.

Бунга эса рақобатга бардошли маҳсулотларнинг, шунингдек, заҳираларнинг етарлилиги билан эришилади. Асосий вазифа миллий пул бирлигимизни мустаҳкамлаш ва уни дунёда ҳамма бирдай қадрлайдиган валютага айлантиришдан иборатдир.

Жумҳуриятимиздаги ҳар бир кишининг, корхонанинг фаровонлиги муомаладаги миллий валютанинг барқарорлигига боғлиқ эканини ҳеч қачон эсимиздан чиқармаслигимиз керак.

Ўз валютамизнинг барқарорлиги ва эркин муомаласини таъминлаш учун ишлаб чиқилган ва ҳукумат қабул қилган тўртта дастурни амалга оширишимиз зарур.

Биринчидан, сўмнинг харид қувватини ошириш учун тез орада бозорларни ҳаридоргир маҳсулотлар билан тўлдириш зарур. Асосий вазифа халқнинг энг зарур эҳтиёжларини қондириши керак бўлган ўз маҳсулотларимизни ишлаб чиқаришни кўпайтиришдан иборат.

Бунинг учун биз халқ истеъмол маҳсулотлари ишлаб чиқарадиган корхоналарга ҳар томонлама ёрдам бериб борамиз, инвестицияларни биринчи навбатда ўша тарафга йўналтирамиз, уларни хом ашё ва кредит ресурслари билан таъминлаймиз. Ушбу йўналиш бўйича сезиларли ижобий ўзгаришлар бор. Истеъмол товарлари ишлаб чиқариш йилдан-йилга кўпайиб бормоқда. Бу — енгил, озиқ-овқат ва маҳаллий саноатлар хизматидир.

Аҳолига сотилаётган истеъмол товарларининг умумий ҳажмида ўзимизда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар улуши ортиб бормоқда. Бу ҳол, шубҳасиз, барчамизни қувонтиради, лекин хотиржамликка берилмаслигимиз керак.

Биз ҳали кўплаб зарур озиқ-овқат ва саноат маҳсулотларини четдан олиб келишга мажбур бўляпмиз. Бу муаммони тезроқ ҳал этиш лозим.

Иккинчидан. Биз такрор-такрор таъкидлаганимиздек, ислоҳотнинг асосий йўналишларидан бири — экспорт имкониятларини кенгайтириш, корхоналарни экспорт учун маҳсулот ишлаб чиқаришга мувофиқлаштириш, жаҳон бозорида ўзимизнинг мустаҳкам мавқеимизни эгаллашдир. Бундан кейин ҳам экспорт учун маҳсулот ишлаб чиқариш йўлини белгилаб олган корхоналарга хомашё билан таъминлашда ҳам, инвестиция олишда ҳам имтиёзлар бериб борамиз. Биз шундай имкониятлар, шундай механизмлар яратайликки, токи корхоналаримиз жаҳон бозорида рақобатга бардош бера оладиган маҳсулот ишлаб чиқаришга тўла юз тутсин.

Улар ўз маҳсулотлари билан жаҳон бозорига чиқиб, қатъий валюта ишлаб топишни ўрганишлари ва республика хазинасини тўлдиришлари шарт. Бу уларнинг давлат олдидаги, ўз жамоалари олдидаги, бутун халқ олдидаги вазифаси, муқаддас бурчидир.

Учинчидан. Молия-кредит сиёсатини изчил ўтказиш шарт. Биз ўз молиявий қувватларимиздан тежаб-тергаб, ҳисобдонлик билан фойдаланишни ўрганайлик, унинг сочилиб кетишига йўл қўймайлик. Халқ хўжалигига сарфланган ҳар бир сўм катта фойда билан қайтиши ва республиканинг эртанги куни учун, келажаги учун ишлаши шарт.

Корхоналар, ишбилармонлар давлатдан олган маблағлари, кредитларини фойдали ва аниқ мақсадлар учун йўналтириш масъулиятини таъминлаш ёзилмаган қонунга айланиши шарт. Айни пайтда кредитларни ўз вақтида қайтаришга ҳам ўрганиш керак. Ва ўз навбатида кредит бериш шартлари шундай бўлсинки, корхона қарз олиш масъулиятини доим ҳис этиб турсин. Ундан маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтириш учун самарали равишда фойдаланишга ҳаракат қилсин.

Тўртинчидан. Энг муҳим масала — ички бозоримиздаги истеъмол моллари ва моҳоладаги нақд пул ҳажмининг мутаносиблигини таъминлаш — пул қадрини сақлаш ва кучайтиришнинг асосий гарови ва шартидир. Фақатгина шу йўл билан инфляцияга қарши курашиш ва унинг даражасини кескин пасайтириш имконига эга бўлишимиз мумкин. Фақат шунинг ҳисобидан миллий валютамиз саломатлигини сақлаймиз.

"Сўм"имиз қандай куч билан ишлай бошлаганини биз ҳаммамиз ҳис этиб ўлгурдик. Деҳқон бозорида нарх-наво кескин тушди, пулнинг қадрсизланиши кескин даражада пасайди. Ва бу ижобий жараённи мустаҳкамлаш керак.

Зикр этилган фикрларнинг асосий маъноси шуки, муомладаги пул ҳажмини кўпайтирмаслик, яъни пул эмиссиясининг ошишига, пулнинг аҳоли қўлида ушланиб қолишига йўл қўймаслик керак. Ҳаётдаги оддий бир қоидага эътибор берайлик: аҳолининг қўлидаги нақд пулнинг ҳажми кўпайиши билан одамларнинг ҳаёт даражаси ўсмайди.

Дастгоҳ — ўз қўлимизда деб, миллий пулимизни кўпроқ босиб чиқариш, шунинг ҳисобидан, аҳоли қўлига кўпроқ қуруқ пул етказиб бериш бугунги кунда қийин вазифа эмас.

Ҳаёт даражаси ўсишига эришмоқ учун, албатта, меҳнатчилар оладиган маош, нафақахўрларга бериладиган нафақа, студент ва ўқувчиларнинг стипендияси, умуман одамларнинг даромадлари ўсиши керак. Лекин пул ҳажми ўсишига нисбатан, ундан ҳам олдин ички бозоримиздаги моллар ва пулли хизматлар ҳажмини тез суръатлар билан оширишни таъминлашимиз лозим.

Содда қилиб айтганда: ҳар қайси кишининг киссасида бўлган пулига бозоримизда етарли даражада керакли мол ва эҳтиёжимизни қоплайдиган хизмат турлари бўлиши керак.

Азиз дўстлар!

Ислоҳотларимизнинг муҳим тамойилларидан бири — аҳолининг кам таъминланган табақаси, яъни, қариялар, ногиронлар, болаларни муҳофаза остига олиш, уларни пухта ҳимоялашдир. Ёшларнинг билим олиши, касб-ҳунар эгаллаши, иш билан таъминланишига ҳар томонлама ёрдам бериш давлатимизнинг муқаддас бурчидир.

Бундай керакли ва савобли мақсадларни амалга оширишда биз аҳолининг ўз-ўзини бошқариш тизимига, бугунги ҳаётимизда катта аҳамиятга эга бўлган маҳаллаларга суяниб ишлашга қарор қилдик.

Ҳар бир банкнинг маҳаллий бўлимларида махсус ҳисоб варақалари орқали, маҳаллалар қарорларига биноан, кам даромадли ва муҳтож оилаларга ёрдам бериш ҳақида фармон чиқардик.

Ишонамизки, бундай олижаноб ишларни ҳаётга тадбиқ этишда, адолат сақлашда маҳаллаларимизнинг оқсоқоллари ва ишончли фаоллари ўз куч-ғайратини кўрсатади ва халқимиз назарида обрўсини янада оширади.

Ижтимоий ёрдам беришнинг ҳам яхлит, пухта бир тизими ишлаб чиқилиши даркор. Бунда давлат ва жамоатчилик идоралари, айниқса касаба уюшмалари, турли хайрия жамғармалари биргаликда ҳаракат қилмоғи жоиз.

Азиз дўстлар!

Биз қураётган жамият адолат ўрнатишни, ҳеч кимни оғир аҳволда ва муҳтожликда қолдирмасликни ўзининг энг катта мақсади, деб билади. Унинг оёққа туриши учун зарур ёрдам беради. Шундай экан, илгари айтган бир гапимни яна такрорлайман: **Инсон — ислоҳот учун эмас, ислоҳот — инсон учун хизмат қилиши керак.**

ҚИШГА ТАЙЁРГАРЛИК — ДОЛЗАРБ ВАЗИФА

Илгари хабар қилинганидек, 21 сентябрь куни Президент Ислом Каримов иштирокида республика Вазирлар Маҳкамасининг мажлиси бўлди. Унда вазирликлар, идоралар, давлат қўмиталари, уюшма ва корпорациялар ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раҳбарлари, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимлари қатнашди. Йиғилишда республика халқ хўжалигини қиш мавсумига тайёрлаш билан боғлиқ масалалар муҳокама қилинди.

Мажлисни Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Абдулҳошим Муталов очди.

Мамлакатимиз Президентининг топшириғига биноан Вазирлар Маҳкамаси қошида тузилган республика комиссияси аъзолари жойларда бўлиб, қиш мавсумига тайёргарлик ишлари қандай бажарилаётганини ўрганди. Республика Бош вазирининг ўринбосари Қ. Ҳаққулов йиғилганларни ана шу комиссия текшируви хулосалари билан таништирди.

Энергетика ва электрлаштириш вазири В. Отаев, коммунал хизмат кўрсатиш вазири В. Михайлов, «Кўмир» акционерлик жамиятининг бош директори А. Лелеко, «Ўзбекбирлашув» бошқаруви раиси Б. Абдуғаниев ва бошқалар ўз тармоқларида қиш мавсумига ҳозирликнинг аҳволи ҳақида ҳисобот берди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов кун тартибига қўйилган масаланинг халқ хўжалигидаги ҳар қайси соҳа учун долзарб жиҳатлари хусусида гапирди.

— Қиш ҳар гал эшик қоқиб остонада тургандагина унга тайёргарлик кўриш зарурлиги ҳақида ўйлай бошлаймиз,— деди Ислом Каримов.— Ваҳолонки, ҳар йили халқимизни айнан бир хил муаммолар қийнайди. Гоҳ кўмир етмай қолади, гоҳ иссиқ сув қувурлари ишдан чиқади ёки чироқ ўчади, кўчада транспорт қатновининг мароми бузилади. Нега шундай? Нега масъул раҳбарлар бурчини тушуниб етмаяпти? Ҳокимлар одамлар ташвишини олдиндан ўйлаши лозим эмасми?

Ислом Каримов мажлис қатнашчилари эътиборини қиш мавсумига тайёргарлик кўриш борасидаги муҳим муаммоларга қаратди. Сўнгги икки йил қиш фасли мобайнида қандай қийинчиликларга дуч келганимизни таҳлил этиш, қиш тайёргарлиги билан боғлиқ доимий муаммоларни аниқлаш лозим. Ҳали кўпгина вилоят ва хўжаликларда қишга тайёргарлик ишларида жиддий нуқсонлар бор. Баъзи вазирлар, бирлашма ва корхоналар раҳбарлари ташкилотчилик ишларини етарли даражада йўлга қўймаган.

Аҳолини қиш давомида иссиқлик билан таъминловчи қозонхоналарнинг узлуксиз ишлашини ташкил этиш зарур. Ҳар йили қиш даврида истеъмолчиларни ва хонадонларни иссиқлик билан узлуксиз ва сифатли равишда таъминлаш ишларида камчиликлар аниқланганига қарамасдан ушбу ишларни ўз вақтида бажаришда бу йил ҳам сусткашликка йўл қўйилган. Биргина Тошкент вилоятида ташкилотларга қарашли 507 уй-жойдан атиги 71 таси қишга тайёр қилинган, 136 мактаб, 141 болалар боғчаси ва 716 та турли муассасалар иссиқлик қабул қилишга шай эмас. Коммунал хизмат кўрсатиш вазирлигига қарашли уй-жойлар асосан хусусийлаштирилди, деди Президент. Шундай экан, бу уйларда истиқомат қилувчи аҳолининг сув ва газ таъминоти билан жойлардаги ҳокимликлар ҳам шуғулланиши керак. Ҳокимликларнинг ўз ресурслари, маблағи, ишчи кучи, мутахассислари бор. Улар катта ҳуқуқ ва масъулиятга эга. Демак, давлат таъминотини кутиб турмасдан, таъмир ишларини бажариш, қувурлар келтириш учун мустақил ҳаракат қилмоқ лозим эмасми? Баъзи раҳбарларимиз эса республикада иқтисодий ислоҳот, хусусан, мулкни хусусийлаштириш борасида қилинган ўзгаришлардан мутлақо бехабардек ҳамон эскича фаолият юритмоқда. Мутахассислар маълумотига қараганда, бу йил қиш қаттиқ келади. Ёғин-сочин даврига ча кўмир ташвишини ҳам ҳал этиш зарур. Аҳолини кўмир билан таъминлаш ишлари шу йилнинг октябрь-ноябрь ойларида тўла бажарилиши керак.

Электр энергияси таъминотини ҳар жиҳатдан ижобий ҳал этиш учун Энергетика ва электрлаштириш вазирлиги зудлик билан, ишчанлик ва тадбиркорликни кучайтириб, энергия блоклари, қозонхона агрегатларини вақтида таъмирлаш ишлари ва уларни қиш мавсумида узлуксиз ишлашини таъминлашлари керак. Президент қиш бўйи хонадонларга, ташкилот, муассаса ва корхоналарга нур ҳамда иссиқлик узатадиган марказларнинг узлуксиз ишлаши учун мутасадди раҳбарлар кафолат бериши, жавобгарликни зиммасига олиши лозимлигини таъкидлади

Ўзбекистон собиқ СССР ҳудудида газ ишлаб чиқариш бўйича учинчи ўринни эгаллагани ҳолда, газлаштириш атиги тўрт фоизни ташкил қилар эди, деди Ислом Каримов. Сўнги уч йил ичида ана шу кўрсаткич 40 фоизга кўтарилди. Яъни халқимизни газ билан таъминлаш даражаси ўн баравар ортди. Аммо, айрим вилоятларда газдан тежамкорлик билан фойдаланилмаётир. Хусусан, Андижон, Самарқанд, Қашқадарё ва Бухоро вилоятлари шартномада кўзда тутилганидан кўп газ олган. Хўш, нега исроф-гарлар ортиқча ишлатадиган газга, керак бўлса, 10 баравар юқори нарх қўймаймиз? Нима учун замон талаб қилаётган мана шундай иқтисодий чораларни қўлламаймиз? Ҳадемай, қиш келиши билан ҳамма жойда, жумладан, Тошкент шаҳрида ҳам кишилар уй иситиш учун газ ёқиб қўяди. Қачонгача одамларни шундай яшашга мажбур этамиз? Ким бу ҳақда қайғуради? Мутасадди раҳбарлар ушбу масалаларга жиддий эътибор беришлари зарур, деб таъкидлади Президент.

Мамлакатимиз раҳбари чорвадорларнинг қишлови масаласига алоҳида тўхталди. Тоғли жойлардаги, чўл ва дашт зоналаридаги кишиларни, чорвадорларни, чўпонларни табиат қийинчиликларидан муҳофаза этиш, уларни зарур озиқ-овқат маҳсулотлари ҳамда иссиқ кийимлар билан таъминлаш мутасадди раҳбарларнинг муҳим ишларидандир. Шунингдек, чорвачилик фермаларини ва бошқа объектларни қишга тайёрлаш масаласи ҳам эътибордан четда қолмаслиги лозим. Бугунги иқтисодий тақчиллик шароитида мол туёғини сақлаш ва кўпайтириш муҳим масаладир. Эртанги қиш аёзларида чорва нобуд бўлмаслиги учун зарур чораларни кўриш долзарб муаммолардан биридир. Бу борада республикада аҳвол қандай? Жойларда қандай ишлар амалга оширилябпти? Қиш мавсумида чорва нобудгарчилигига йўл қўймаслик, молларни емиш билан таъминлаш борасида аниқ нормативлар бўлиши зарур. Амалда эса қиш мавсумига тайёргарлик 1 сентябрга 50—53 фоизга бажарилган, холос. Бу масалаларни пухта таҳлил қилиш ва аниқ чора-тадбирлар белгилаш зарур.

Транспорт — мамлакат иқтисодиётининг қон томиридир, деди Президент. Шу маънода мазкур соҳа раҳбарлари ҳам катта ишларни амалга оширишлари керак. Ҳозирги куз кунларидаёқ кечга бориб йўловчи ташувчи транспорт воситалари камайиб кетмоқда. Қиш даврида жамоат транспортининг ҳар куни бир маромда йўлга чиқишини таъминлаш зарур.

Хорижий мамлакатлардан янги автобус, троллейбус ва трамвайлар олиб келяпмиз. Лекин нима учун бекатларда ҳали ҳам тумонат одам? Сабаби шундаки, автобуслар ҳайдовчиларга бериб қўйилган, хоҳласа — юради, хоҳламаса — йўқ. Жамоат транспортининг хўжайини ким? Мутасадди раҳбарларми ёки тўрс муомалали ҳайдовчиларми? Транспорт соҳасида ишлайдиганлар қачон оддий тартиб-интизомга бўйсунадилар? Соҳада иш тартибини бутунлай ўзгартириш зарур. Ҳайдовчиларнинг ишига қараб маош тўлашни йўлга қўйиш керак.

Хуллас, қишга тайёргарлик ишларини тўла-тўкис ва вақтида тугатиш шу куннинг долзарб масалаларидан биридир. Ислом Каримов ҳар қайси мутасадди раҳбар ўз тармоғининг қиш мавсумида узлуксиз ва мунтазам ишлашига кафолат бериши, жавобгарликни зиммасига олиши кераклигини яна бир карра таъкидлади.

Вазирликлар, идоралар, муассасалар, ташкилотлар, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари раҳбарлари зиммасига халқ хўжалиги тармоқларини қиш мавсумига тайёрлашнинг боришини атрофлича таҳлил қилиб, қишолди тайёргарлик ишларини 15 октябргача тугаллаш вазифаси юклатилди. Кўрилган масала юзасидан тегишли қарор қабул қилинди.

Йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши Раиси вазифасини бажарувчи Э. Халилов, Бош вазир ўринбосарлари қатнашди.

(ЎзА).

Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши Сиёсий ижроия қўмитасининг қарори

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ СИЕСИЙ ИЖРОҚУМИНИНГ XII ЧАҚИРИҚ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ КЕНГАШИНИНГ XVI СЕССИЯСИ КУН ТАРТИБИГА КИРИТИЛАЕТГАН МАСАЛАЛАР ЮЗАСИДАН НУҚТАИ НАЗАРИ ТЎҒРИСИДА

Қабул қилинган қарорда Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг XVI сессияси мамлакатимизнинг давлат мустақиллиги, унинг халқаро обрў-эътибори мустаҳкамланаётган ва диёримизда фуқаролар тинчлиги ҳукм сураётган бир даврда чақирилаётгани таъкидланади. Бунда, дейилади қарорда, XII чақириқ республика Олий Кенгашининг ҳиссаси алоҳидадир. Мазкур чақириқ Олий Кенгаши томонидан жамиятимизда ижтимоий, иқтисодий, сиёсий ва маънавий соҳаларда туб ўзгаришларни амалга ошириш учун муҳим аҳамият касб этувчи қонунлар мажмуасининг қабул қилиниши халқимиз ҳаётида тарихий воқеаларга айланди. Республика Президенти, Ўзбекистон Халқ демократик партияси Раиси И. А. Каримов раҳбарлигида олиб борилаётган ички ва ташқи сиёсатнинг халқчиллигини ҳаётнинг ўзи тасдиқламоқда.

Мамлакат Олий Кенгашида 370 дан ортиқ халқ депутатларини бирлаштирган Ўзбекистон ХДП депутатлар гуруҳи қонунларни ишлаб чиқиш, қабул қилиш ва ҳаётга татбиқ этиш жараёнида фаол иштирок этди. Партиямиз аъзолари бўлган депутатлар Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг оммавий-сиёсий ва ташкилотчилик фаолиятини жонлантиришга, фуқаролар орасида унинг обрў-эътибори ошишига салмоқли ҳисса қўшдилар.

Республика Олий Кенгашининг навбатдаги XVI сессияси кун тартибига киритилаётган масалалар, шубҳасиз, Ўзбекистонда демократик, ҳуқуқий давлатни ва фуқаролик жамиятини барпо этишда муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши Сиёсий ижроқўми Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашидаги Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг депутатлар гуруҳига XII чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши XVI сессияси кун тартибини қўллаб-қувватлашни тавсия этди. Шунингдек, Сиёсий ижроқўм ҳисобот даврида мамлакатимизнинг давлат мустақиллигига эришиши, уни сиёсий, конституцияви, ҳуқуқий жиҳатдан мустаҳкамлаш, халқимиз туб манфаатлари йўлида фидокорона меҳнат қилган XII чақириқ Олий Кенгашидаги Ўзбекистон Республикаси халқ депутатлари партиямиз гуруҳига самимий миннатдорчилик билдирди ҳамда келажакда ҳам улар ўз партиялари учун кенг қамровли ёрдамларини аямайдилар, деб ишонч билдирди. Ўзбекистон ХДП Қорақалпоғистон республика, вилоятлар ва Тошкент шаҳар кенгашларига барча даражадаги халқ депутатлари — партиямиз аъзолари билан биргаликда фуқаролар орасида Олий Кенгаш XVI сессияси якунларига доир ташкилий-сиёсий ва тушунтириш ишларини уюштириш вазифаси юкланди.

Ўзбекистон ХДП МК матбуот маркази.

Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши Сиёсий ижроқўмида

«ЎЗЭЛЕКТРОАППАРАТ» ИЛМИЙ-ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИ БОШЛАНҒИЧ ПАРТИЯ ТАШКИЛОТИНИНГ ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ МИЛЛИЙ ИСТИҚЛОЛ МАФКУРАСИНИ ТАРҒИБ ЭТИШ БЎЙИЧА ИШИ ТЎҒРИСИДА

Илгари хабар берилганидек, Ўзбекистон ХДП МК Сиёсий ижроқўми «Ўзэлектроаппарат» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси бошланғич партия ташкилотининг Ўзбекистон Халқ демократик партияси Миллий истиқлол мафкурасини тарғиб этиш бўйича иши тўғрисидаги масалани кўриб чиқди.

«Ўзэлектроаппарат» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси бошланғич партия ташкилотининг асосий диққат-эътибори, дейилади мазкур масала юзасидан қабул қилинган қарорда, одамлар ўртасида иш олиб боришга, жамоада ва аҳоли истиқомат жойларида Ўзбекистон ХДПнинг дастурий мақсадлари ва Миллий истиқлол мафкурасини тарғиб этишга, унинг ҳаётбахш ғояларини рўёбга чиқаришга қаратилган.

Шу мақсадда умумдавлат ва умумхалқ байрамлари, ранг-баранг маданий тадбирлар, радиогазета, оғзаки ва кўргазмали ташвиқотдан фойдаланилмоқда. Ташкилотчилик ва тарғибот ишларига бирлашма раҳбарлари, касаба уюшмаси ташкилоти, фахрийлар ва хотин-қизлар кенгашлари, бошқа жамоат ташкилотларининг фаоллари жалб қилинган.

Бошланғич партия ташкилоти бирлашмада оммавий-сиёсий ишларни кенг ва изчил олиб бориш билан бирга, ишчиларнинг умумтаълим савияси ва техник билимлар даражасини муттасил оширишга катта кучғайрат сарфлаяпти. Партия ташкилоти билан маъмурият ўртасида амалий ҳамкорлик ва ўзаро ҳамжиҳатлик муносабатлари қарор топаётганлиги партия ташкилотининг обрў-эътибори ва таъсири ошишида муҳим омил бўляпти. Буларнинг ҳаммаси корхонада ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар ҳажмини бир меъёрда ўстириб боришни, буюмларнинг техникавий даражаси ва сифатини яхшилашни, маҳсулот турларини кўпайтиришни, замонавий илғор технологияни жорий этишни таъминлаяпти.

Айни пайтда, бирлашма партия ташкилоти оммавий-сиёсий ишлар самарадорлигини ошириш, ижтимоий вазифаларни ҳал этишда ўз ҳиссасини кўпайтириш учун анчагина имкониятларга эгадир.

Сиёсий ижроқўм бирлашма бошланғич партия ташкилотининг Ўзбекистон ХДП Миллий истиқлол мафкурасини тарғиб этишда, унинг ҳаётбахш ғояларини рўёбга чиқаришда муайян тажриба тўплагандигини таъкидлаб ўтди. Шу билан бирга унга бу тажрибани мустаҳкамлаш ва ривожлантиришни тавсия қилди. Бунинг учун партия ташкилоти фаол сиёсий ҳаракатлар ҳамда ижтимоий аҳамиятга молик муаммоларни ечишда ташаббускорлик кўрсатиш орқали ўз обрўйи ва мавқеини мустаҳкамлашга эришиши керак.

Эндиги вазифа — Ўзбекистон ХДП Миллий истиқлол мафкурасини тарғиб қилиш ишига мунтазамлилик туснни беришдан иборат. Бунга оммавий аҳборот воситалари имкониятларидан тўлароқ фойдаланиш, партия ташкилоти ишини ёритишда ошкораликни таъминлаш, корхона радиоси ва кўпнусхали «Электротехник» рўзномасида муҳим сиёсий масалалар, жамоа ҳаёти ва фаолияти юзасидан ўз нуқтаи назарини мунтазам билдириб туриш билан эришиш мумкин. Ҳозир партия аъзолари ва партиясиз фаоллар-нинг Ўзбекистон ХДП сиёсати ва амалий фаолияти масалалари бўйича мунтазам ўқувини ташкил этиш, бунда сиёсий семинарлар, сиёсий мулоқот клублари ва ўқувнинг бошқа таъсирчан шаклларини қўлланиш мақсадга мувофиқдир.

Сиёсий ижроқўм бирлашма бошланғич партия ташкилоти эътиборини ўз сафларини тўлдиришнинг мавжуд имкониятларидан омилкорлик билан фойдаланишга қаратди. Олий Мажлисга ва халқ депутатлари маҳаллий кенгашларига бўлажак сайловлар мавсуми даврида бирлашма бўлинмаларида ва унинг ходимлари ҳамда оила аъзолари зич яшайдиган жойларда цех партия ташкилотлари шаҳобчаларини кенгайтириш айни муддаодир.

Сиёсий ижроқўм Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши бўлимларига, Тошкент шаҳар ва Миробод туман кенгашларига қабул қилинган қарорни бажаришда бирлашма партия ташкилотига амалий ёрдам кўрсаткини топширди.

ВАҚТЛИ МАТБУОТ НАШРЛАРИГА ОБУНА БОШЛАНДИ

Қадрли муштарийлар!

1995 йил учун мамлакатимиз газета ва журналларига обуна қилиш бошланди. «ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ» газетаси учун обуна барча алоқа бўлимларида қабул қилинади.

«ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ» ГАЗЕТАСИНИНГ

йиллик обуна баҳоси — 307 сўм 20 тийин;

ярим йилга — 153 сўм 60 тийин;

Ҳурматли муштарийлар!

«ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ» газетасига обуна бўлишга шошилинг.

Ф СП - 1

Алоқа вазирлиги "Матбуот уюшмаси"

"ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ" 64583

(нашр номи) (нашр кўрсаткичи)

рўзномасига ОБУНА

обуна сони

1995 йил учун (ойлар бўйича)

1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12

Қаерга

(почта кўрсаткичи) (манзил)

Кимга

(насаби; исми ва отаси исмининг бош ҳарфлари)

РЎЗНОМАНИ ЕТКАЗИШ ВАРАҚЧАСИ

п. в.	жойи	64583 (нашр кўрсаткичи)

"ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ"

(нашр номи)

обуна янги манзилга юбориш	баҳоси	сўм	обуна сони
	баҳоси	сўм	

1995 йил учун (ойлар бўйича)

1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12

Қаерга

(почта кўрсаткичи) (манзил)

Кимга

(насаби; исми ва отаси исмининг бош ҳарфлари)

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ ТАШКИЛ ТОПГАНЛИГИНИНГ УЧ ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАНГАН СУҲБАТЛАР, УЧРАШУВЛАР, МАЪРУЗАЛАР, ИЛМИЙ-АМАЛИЙ АНЖУМАН ВА БОШҚА ОММАВИЙ-СИЕСИЙ ТАДБИРЛАРНИНГ НАМУНАВИЙ МАВЗУЛАРИ

1. Республика Президенти И. А. Каримов Ўзбекистон Халқ демократик партияси — Раиси.
2. Ўзбекистон Халқ демократик партияси — мустақиллик фарзанди.
3. Ўзбекистон ХДП — жамиятимизнинг нуфузли сиёсий ташкилоти.
4. Ўзбекистон Халқ демократик партияси — ислоҳотчи, бунёдкор, ижодкор, ватанпарварлар партияси.
5. Ўзбекистон Халқ демократик партияси — ижтимоий адолат партияси.
6. Ўзбекистон Халқ демократик партияси уч йил ичида: ютуқлар, муаммолар, вазифалар.
7. Иқтисодий ислоҳотларнинг янги босқичида Ўзбекистон ХДПнинг ўрни ва вазифалари.
8. Ҳуқуқий давлатни, демократик, инсонпарвар жамиятни барпо этишда Ўзбекистон ХДПнинг ўрни.
9. Ўзбекистон ХДПнинг аҳолини ижтимоий ҳимоялаш сиёсати — амалда.
10. Ўзбекистон ХДП Миллий истиқлол мафкураси миллий ва умумбашарий қадриятлар уйғунлиги ҳақида.
11. Ўзбекистон ХДП Миллий истиқлол мафкурасини ҳаётга татбиқ этишнинг асосий йўллари ва воситалари.
12. Самарали меҳнат — мамлакатимиз куч-қудрати ўсишининг, халқ фаровонлигини оширишнинг бош манбаи.
13. Ўзбекистон ХДПнинг кучи — унинг халқ билан бирлигида, халқ билан ҳамдард, ҳамнафас бўлишида.
14. Ўзбекистон ХДП ва жамоат ташкилотлари.
15. Ўзбекистон Халқ демократик партияси ва ёшлар.
16. Республика Олий Мажлисига ва вилоят, шаҳар, туман кенгашларига сайловлар ва Ўзбекистон ХДП ташкилотларининг вазифалари.
17. Юртимиздаги сиёсий барқарорлик, тинч-тотувлик, осойишталик — бебаҳо бойлигимиз.
18. Ўзбекистон ХДПнинг халқаро алоқалари.

Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши матбуот маркази.

ФАОЛЛИК ВА ИШЧАНЛИК ОШИРИЛЯПТИ

Яккабоғ туман партия кенгаши туман ҳокимияти билан ҳамкорликда Президент Фармонларини бажариш ҳамда ЎзХДП Миллий истиқлол мафкурасини тарғиб-ташвиқ қилиш юзасидан қатор чора-тадбирларни амалга оширмоқда.

Туманда 18 нафар вилоят кенгаши депутатлари, 61 нафар Яккабоғ туман кенгаши депутатларидан иборат партия гуруҳлари ишлаб турибди. Гуруҳлар йиғилишларида масъул лавозимлардаги партия аъзоси бўлган халқ депутатларининг ҳисоботларини эшитиб бориш йўлга қўйилган.

Партия гуруҳлари томонидан сессияларга киритилган таклиф-мулоҳазалар партия ташкилотининг доимий назоратида. Шунингдек, ижроия кенгаш йиғилишларига киритилаётган масалаларнинг кўпчилигида партия гуруҳларининг фаолияти ўрганиб борилмоқда.

Бу йил Яккабоғ туманида аъзолар сони 148 нафарга кўпайди. Уларнинг сафини ўстиришга, фаолликлари ва ишчанликларини оширишга алоҳида эътибор берилмоқда.

Ғози РАҲМОН,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

ПАХТАМИЗ БИР МИЛЛИОН ТОННАДАН ОШДИ

Сиз суратда кўриб турган ушбу чевар қиз Ромитан туманидаги «Шўрчи» жамоа хўжалигининг илғор пудратчиси Истат Сандова бўлади. У бошлиқ оилавий пудрат аъзолари бу йил 2 гектар ерда деҳқончилик қилиб, мўл ва эртаки ҳосил етиштирдилар.

Янгиям-теримнинг биринчилар қаторида бошлаган заршунослар қисқа муддатда 7 тонна «оқ олтин» топширишга муваффақ бўлдилар. Улар ялпи ҳосил салмоғини 10 тоннага етказиш мақсадида пахтазорда фидокорона тер тўкишяпти.

Ҳайдар ҚУРБОНОВ олган сурат.

ШУ КУННИНГ НАФАСИ

ЯНГИЛИКЛАР ВОҚЕЛАР ХАБАРЛАР

• Хотира

УСТАНИНГ ТЎЙИ

● САМАРҚАНД (мухбиримиздан). Уста Умар Жўрақуловнинг 100 йиллик юбилейини ўзига хос тўйга айлантиришга ҳаракат қилинмоқда.

Умар ака Самарқандда кулолчилик мактабини яратган, дейиш мумкин. Унинг қўлидан чиққан бежирим коса, кўза, лаган, ўйинчоқлар Москва, Рига, Киев, Прага, Монреаль шаҳарларидаги йирик халқаро кўргазма ва музейларда ўз баҳосини олган.

Ҳиндистон, Покистон, Афғонистон, Туркия, Эрон ва Францияда ҳам устанинг совғаси буюмларини эъзозлайдилар. Ўзбекистон халқ рассоми Умар Жўрақуловнинг шогирдлари ҳам етарли. Ёш кулоллар «Уста» ижодий бирлашмасида ишламоқдалар. Қадимий шаҳар кўчаларидан бири у кишининг табаррук номи билан аталган. Келаси ойда Умар кулолнинг юз йиллиги нишонланади.

Фармон ТОШЕВ.

• Ҳомийлик

ЎҚУВЧИЛАРГА СТИПЕНДИЯ

● АНДИЖОН (мухбиримиздан). Балиқчи туманидаги мактаб ва болалар боғчаларига бир қатор меҳнат жамоалари оталиқ ёрдами кўрсатмоқдалар.

Ҳимматли ҳомийлар ўқув муассасалари ва тарбия масканларида шарт-шароитни яхшилаш билан бирга таълим сифатини оширишга ҳам эътибор қилишмоқда. Шу мақсадда янги ўқув йилидан бошлаб «Дилором» кичик корхонаси 5-мактабнинг аълочи ўқувчиларига 30 сўмдан стипендия белгилади. Бу кичик корхонанинг саховатидан «Дилором» болалар боғчаси тарбияланувчилари ҳам баҳраманд бўлишмоқда.

Ҳомийлар кўмагида боғчага қўшимча бино қуриб берилди. Бундан ташқари спорт товарлари фабрикаси, пахта тозалаш заводи, «Чинобод» кичик корхонаси, Бобур номли, Мўминов номли жамоа хўжаликлари ҳам мадад кўрсатишдан четда қолмаяптилар. Улар ҳам тумандаги биттадан мактабнинг аълочи ўқувчиларига стипендия ажратишди.

Рустам АҲМАДАЛИЕВ.

• Кичик корхоналар

БОҒОЛОН «ЮЛДУЗИ»

● ХОРАЗМ (мухбиримиздан). Янгибозор туманидаги Боғолон қишлоғида жойлашган «Юлдуз» кичик корхонасининг фаолияти кенгайиб бормоқда.

Тадбиркор Амин Тожибоев даставвал уч киши билан иш бошлаган бўлса, ҳозир уларнинг сафи 60 дан ошиб кетди. Ишлаб чиқарилаётган маҳсулот миқдори бир неча баравар кўпайди. Бу корхонада турли кийим-кечаклар, гилам ва палослар ҳамда пахтакорлар учун этиклар ишлаб чиқарилмоқда. Айниқса, шоли оқлайдиган ва ун тайёрлайдиган цехларнинг ишга туширилишидан қишлоқ меҳнаткашлари беҳад мамнун.

Қурбон МУҲАММАДРИЗО.

Душанба, 26

ЎзТВ I

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 "Бугун". Ахборот кўрсатуви.
18.10 "Ўйинқароқ болалар", "Бўй ўстирувчи дармон дори". Мультфильмлар.
18.25 Ўзбекистон Давлат телерадиокомпанияси Дони Зокиров номидаги халқ чолғу оркестрининг концерти.
18.55 Эълонлар.
19.00 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида).
19.20 Эълонлар.
19.25 "Истеъдодлар танлови".
19.45 "Адолат қомуси". Видеофильм. 1-қисм.
20.10 Оқшом эртаклари.
20.25 Эълонлар.
20.30 "Ўзбекистон" ахбороти.
20.55 Эълонлар.
21.00 Ўлмас Умарбеков. "Қиёмат қарз". Ҳамза номидаги Ўзбек Давлат академик драма театрининг спектакли.
22.45 Футбол бўйича Ўзбекистон чемпионати.
00.15 — 00.40 "Ўзбекистон" ахбороти.

ЎзТВ II

"Тошкент" студияси таништиради:
"Ҳамшаҳарлар" телеканали:
18.30 "Ассалом, онажон!"
18.45 "Кўзмунчоқ".
19.00 "Юзма-юз".
19.45 "Кулги бекатида".
20.00 "Менинг маҳаллам".
20.20 "Ҳамшаҳарлар".
21.20 "Яна севги ҳақида".
21.35 — 22.50 "Тақдир инъоми". Бадиий фильм.

ЎзТВ III

18.00 — 19.30 Туркия телевидениеси.
*
19.30 "Мультқарусель".
*
19.40 "Бевосита мулоқот".
*

"ОМАД" таништиради:
20.40 "Совға".
21.10 "4/8". Мусиқий кўрсатув.
21.25 "Суперспорт".
21.55 Эълонлар.
22.00 Видео — "О".
23.35 Эълонлар.
23.40 — 23.50 "Курьер".

"ОСТАНКИНО" ТЕЛЕКАНАЛИ

18.00 Янгиликлар (сурдо таржимаси билан).
18.25 "Оламда нима гап".
18.40 "Мулкдор алифбоси".
19.00 "Тиғиз пайт".
19.25 "Шаддод Роза". Телесериал (Мексика).
19.50 "Криница" ансамбли куйлайди (Краснодар).
20.00 "Кулги панорамаси".
20.40 Хайрли тун, кичкинтойлар!
21.00 Янгиликлар.
21.30 "Спорт уик-энди".
21.45 — 23.05 "Матбуот клуби".

Сешанба, 27

ЎзТВ I

7.00 — 9.00 "Ассалом, Ўзбекистон!" Тонгги дам олиш кўрсатуви.
*
9.00 Футбол. Ўртоқлик учрашуви. "Сўғдиёна" — Ўзбекистон терма командаси.
10.30 Ўқув кўрсатуви. Физика.
11.00 Немис тили.
11.20 "Ўзбекистонда куз". Телефильм.
11.30 Ўқув кўрсатуви. Адабиёт.
12.00 "Ёшлик" студияси. "Фахрийлар — фахримиз".
12.50 — 14.50 "Синов даври". Видеоканал.
***
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 "Бугун". Ахборот кўрсатуви.
18.10 "Улуғбек издошлари".
18.50 Спорт хабарномаси.
18.55 Эълонлар.
19.00 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида).
19.20 Эълонлар.
19.25 "Қашф этилаётган имкониятлар".
19.40 "Адолат қомуси". Видеофильм. 2-қисм.
20.10 Оқшом эртаклари.
20.25 Эълонлар.
20.30 "Ўзбекистон" ахбороти.
20.55 Эълонлар.
21.00 "Ўзбекистон ва жаҳон". Европага йўл.
21.40 Санъат усталари ва ёш ижрочилар концерти.
22.20 "Икки фильм, бир услуб". Кинокўрсатув.
23.15 — 23.40 "Ўзбекистон" ахбороти.

ЎзТВ II

"ОМАД" таништиради:
18.30 "Мультфейерверк".
19.15 "Эм-Ти-Ви" оҳанглари. Эълонлар.
19.40 "Видеогид".
20.00 "Эм-Ти-Ви" оҳанглари. Эълонлар.
20.40 — 22.40 "Кинонигоҳ".

ЎзТВ III

18.00 — 19.30 Туркия телевидениеси.
*
19.30 "Мультқарусель".
*
19.40 "Дурдаршн" телекомпаниясининг кўрсатувлари (Ҳиндистон).
20.40 "Кафолат".

"Тошкент" студияси таништиради:
21.10 "Эсдалик учун дастхат". К. Раззоқова.
21.40 "Ҳар соҳадан бир шингил".
22.00 "Менинг кўчам".
22.15 "Антенна".
22.35 "Кинематограф". Чарли Чаплин фильмлари.
23.50 — 24.00 "Хотима".

"ОСТАНКИНО" ТЕЛЕКАНАЛИ

6.30 — 9.00 "Тонг".
***
18.00 Янгиликлар (сурдо таржимаси билан).
18.25 "Технодром".
18.35 Р. Рождественский хотираси.
19.00 "Тиғиз пайт".
19.25 "Шаддод Роза". Телесериал.
19.55 "Мавзу".
20.40 Хайрли тун, кичкинтойлар!
21.00 Янгиликлар.
21.30 "Илк манбадан".
21.40 "Гол".
22.10 — 23.00 "50х50".

Чоршанба, 28

ЎзТВ I

7.00 — 9.00 "Ассалом, Ўзбекистон!" Тонгги дам олиш кўрсатуви.
*
9.00 "Оқ қоплоннинг зурриёти". Бадиий фильм. 1-серия.
10.05 "Янги алифбони ўрганамиз".
10.35 "Болалар меҳмонхонаси".
11.35 "Маънавият пойдевори".
12.10 "Ёшлик" студияси. "Эзгуликка интилиб..."
12.55 — 14.55 "Маърифат" видеоканали.
***
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 "Бугун". Ахборот кўрсатуви.
18.10 "Мулкдор".
18.45 "Шеърий дақиқалар".
18.55 Эълонлар.
19.00 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида).
19.20 Эълонлар.
19.25 "Ҳаракатда барака".
19.50 "Адолат қомуси". Видеофильм. 3-қисм.
20.10 Оқшом эртаклари.
20.25 Эълонлар.
20.30 "Ўзбекистон" ахбороти.
20.55 Эълонлар.
21.00 "Мустақиллик одимлари". "Ўзбектелефильм" махсулоти.
21.55 Замонавий ўзбек қўшиқларининг "АНОР" телевизион танлови.
22.55 — 23.20 "Ўзбекистон" ахбороти.

ЎзТВ II

"Тошкент" студияси таништиради:
18.30 Болалар учун театр. "Митти фариштa".
19.15 "Билиб қўйган яхши".
19.40 "Дарсга қўнғироқ". Бевосита мулоқот.
20.40 "02" тўлқинида.
21.05 "Кинотриада".
22.05 — 23.30 "Судланувчи". Бадиий фильм.

ЎзТВ III

18.00 — 19.30 Туркия телевидениеси.
*
19.30 "Мультқарусель".
*
19.40 "Санта-Барбара". Телевизион бадиий фильм.
*
20.30 "Ёшлар ва замон".
*
21.10 "Жараён".
*

"ЎЗБЕКИСТОН" ТЕЛЕКАНАЛИ

22.00 "Технопарк".
22.20 "Би-Би-Си" янгиликлари.
22.35 "Ўзбекистон — қадрдон уйимиз". Ўзбекистонда миллий маданият марказлари.
23.35 Европа эстрадаси юлдузлари.
00.05 Футбол. УЕФА кубоги. "Нант" (Франция) — "Ротор" (Волгоград). 2-тайм.
00.45 — 01.00 "Си-Эн-Эн" янгиликлари.

"ОСТАНКИНО" ТЕЛЕКАНАЛИ

6.30 — 9.00 "Тонг".
***
18.00 Янгиликлар (сурдо таржимаси била).
18.25 "Мулкдор алифбоси".
18.40 "Оламда нима гап".
19.00 "Тиғиз пайт".
19.25 "Шаддод Роза". Телесериал.
19.55 "Оқ тўғи" клуби.
20.40 Хайрли тун, кичкинтойлар!
21.00 Янгиликлар.
21.30 "Монолог".
21.40 "Нафрат ва муҳаббат оралиғида". М. Зошченко.
22.30 — 22.45 "Х" кўрсатуви.

Пайшанба, 29

ЎзТВ I

7.00 — 9.00 "Ассалом, Ўзбекистон!" Тонгги дам олиш кўрсатуви.
*
9.00 "Оқ қоплоннинг зурриёти". Бадиий фильм. 2-серия.
10.05 "Қадрдонлар кўчаси". Телефильм.
10.30 Ўқув кўрсатуви. Биология.
11.00 "Ўқитувчилар, Сизлар учун!"
11.30 Футбол майдонларида.
12.00 "Қувноқлар даврасида". Самарқанд вилояти Булунғур туманидаги 2-болалар боғчаси тарбияланувчиларининг чиқиши.
12.25 "Ёшлик" студияси. "Имконият излаб..."
13.10 — 15.10 "Биз танлаган йўл". Телеканал.
***
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 "Бугун". Ахборот кўрсатуви.
18.10 Болалар учун. "Санъат гунчалари".
18.30 "Буюк Ипак йўли"нинг янги уфқлари.
18.55 Эълонлар.
19.00 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида).
19.20 Эълонлар.
19.25 Мусиқий дақиқалар.
19.50 "Адолат қомуси". Видеофильм. 4-қисм.
20.10 Оқшом эртаклари.
20.25 Эълонлар.
20.30 "Ўзбекистон" ахбороти.
20.55 Эълонлар.
21.00 "Пахтазорга оқшом қўнганда". Кўрсатув ва концерт.
22.00 "Қутлуғ кун муборак". Видеофильм.
23.00 — 23.25 "Ўзбекистон" ахбороти.

ЎзТВ II

"ОМАД" таништиради:
18.30 "Омад" тақвими.
18.40 "Жозиба".
19.00 "Бир шингил ҳангома".
19.10 "Зиндаги ёхуд муҳаббат".
19.30 Видео янгиликлари.
19.55 "Эм-Ти-Ви" оҳанглари. Эълонлар.
20.40 — 22.00 "Кинонигоҳ".

ЎзТВ III

18.00 — 19.30 Туркия телевидениеси.
*
19.30 "Мультқарусель".
*
19.40 "Санта-Барбара". Телевизион бадиий фильм.
*
20.30 — 21.30 "Дурдаршн" телекомпаниясининг кўрсатувлари (Ҳиндистон).
*
21.30 "Хусусийлаштириш: янги йўналишлар".
*

"Тошкент" студияси таништиради:
22.00 "Бизнес-банк".
22.20 "Ягона оилада" (қозоқ тилида).
23.20 Футбол. Чемпионлар лигаси. "Бавария" (Мюнхен) — "Динамо" (Киев). 2-тайм.
00.05 — 00.50 Футбол. Чемпионлар лигаси. "Спартак" (Москва)— "Пари Сен-Жермен" (Франция). 2-тайм.

"ОСТАНКИНО" ТЕЛЕКАНАЛИ

6.30 — 9.00 "Тонг".
***
18.00 Янгиликлар (сурдо таржимаси билан).
18.25 "Савол белгиси".
18.45 "СБ" жумбоғи.
19.00 "Тиғиз пайт".
19.25 "Шаддод Роза". Телесериал.
19.55 "Кумушранг шар". В. Вульфнинг муаллифлик кўрсатуви.
20.40 Хайрли тун, кичкинтойлар!
21.00 Янгиликлар.
21.30 "Москва — Кремль".
21.50 — 24.00 Ален Делон иштирокида бадиий фильмлар. "Офтоб чарақлаганда" (Франция, 1959 й.).

Жума, 30

ЎзТВ I

7.00 — 9.00 "Ассалом, Ўзбекистон!" Тонгги дам олиш кўрсатуви.
*
9.00 "Прерия". Бадиий фильм.
10.30 Ўқув кўрсатуви. Математика.
11.00 Дилга яқин қўшиқлар.
11.30 Ўқув кўрсатуви. Зоология.
12.00 Немис тили.
12.20 "Чинорлар ва ниҳоллар".
13.00 Бир асар тарихи. Турғун Пўлат. "Ичкуёв".
14.10 — 14.40 "Фазилат".
* * *
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 "Бугун". Ахборот кўрсатуви.
18.10 "Дайди тўтиқушнинг қайтиши". Мультфильм.
18.20 "Жиноят жазосиз қолмайди". Қорақалпоғистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги фаолиятига бағишланади.
18.55 Эълонлар.
19.00 "Ўзбекистон" ахбороти (рус. тилида).
19.20 Эълонлар.
19.25 Телефильм.
19.45 "Адолат қомуси". Видеофильм. 5-қисм.
20.10 Оқшом эртаклари.
20.25 Эълонлар.
20.30 "Ўзбекистон" ахбороти.
20.55 Эълонлар.
21.00 Бевосита мулоқот.
22.00 "Маърифатнома".
22.30 "Ҳофизлар ҳониш қилганда". Озод Иброҳимов.
23.05 — 23.30 "Ўзбекистон" ахбороти.

ЎзТВ II

"Тошкент" студияси таништиради:
18.30 Болалар учун театр. "Букри тойчоқ".
19.25 "Бу бўстон аро..." Мусаввир А. Мўминов.
20.05 "Деҳқон ҳиммати".
20.35 "Сиз билан, Сизлар учун!"
21.35 — 23.10 "Бурилиш". Бадиий фильм.

ЎзТВ III

18.00 — 19.30 Туркия телевидениеси.
*
19.30 "Мультқарусель".
*
19.40 "Санта-Барбара". Телевизион бадиий фильм.
*
20.30 "Ғалла — ризқ-рўзимиз".
21.00 "Тараддуд". Осиё ўйинлари олдидан.
*

"ОМАД" таништиради:
21.30 "Эм-Ти-Ви"дан мусиқалар.
22.00 Эълонлар.
22.05 "Суперспорт".
22.35 "Саҳна".
23.00 "Даракчи".
23.05 Эълонлар.
23.10 — 00.45 Видео — "О".

"ОСТАНКИНО" ТЕЛЕКАНАЛИ

6.30 — 9.00 "Тонг".
***
18.00 Янгиликлар (сурдо таржимаси билан).
18.25 "Инсон ва қонун".
19.00 "Ҳафтанинг машҳур кишиси".
19.20 "Шаддод Роза". Телесериал.
19.50 "Мўъжизалар майдони".
20.40 Хайрли тун, кичкинтойлар!
21.00 Янгиликлар.
21.30 А. И. Солженицин билан учрашув.
21.50 "Детективлар клуби"да. "Сан-Франциско кўчалари". Телесериал. 4-серия.
22.50 — 23.40 "Взгляд" А. Любимов билан.

Шанба, 1

ЎзТВ I

7.00 — 9.00 "Ассалом, Ўзбекистон!" Тонгги дам олиш кўрсатуви.
*
9.00 "Онтарио соҳилида бўлган воқеа". Бадиий фильм.
10.30 Бугун — Халқаро қариялар куни. "Ҳам қалбимиз, ҳам уйимиз тўрида...".
10.50 С. Абдулла, Т. Жалил. "Тоҳир ва Зуҳра". Андижон вилоят театрининг спектакли.
13.10 "Юрт ҳақида қўшиқ".
13.40 — 15.40 "Санъат сеҳри". Халқаро мусиқа кунига бағишланган видеоканал.
***
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 "Суварак". Мультфильм.
18.10 "Таъзим Сизга, устозлар!" Ўқитувчилар кунига бағишланади.
18.50 Спорт хабарномаси.
18.55 Эълонлар.
19.00 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида).
19.20 Эълонлар.
19.25 "Ҳилол" студияси. "Бор барака".
19.40 "Етти иқлим садоси". Халқаро шарҳловчилар даврасида.
20.10 Оқшом эртаклари.
20.25 Эълонлар.
20.30 "Ўзбекистон" ахбороти.
20.55 Эълонлар.
21.00 "Ҳаёт қувончлари ва ташвишлари". Халқаро қариялар кунига бағишланади.
22.00 Телевизион новеллалар театри. Неъмат Аминов. "Қўнғироқ".
22.40 "Тунги ёғду". Дам олиш кинодастури.

ЎзТВ II

"ОМАД" таништиради:
9.00 "Мультфейерверк".
9.45 "Эм-Ти-Ви" оҳанглари. Эълонлар.
10.10 "Видеогид".
10.30 "Эм-Ти-Ви" оҳанглари. Эълонлар.
11.10 "Кинонигоҳ".
13.00 "Омад" тақвими.
13.10 "Жозиба".
13.30 "Бир шингил ҳангома".
13.40 "Зиндаги ёхуд муҳаббат".
14.00 Видео янгиликлари.
14.25 "Эм-Ти-Ви" оҳанглари. Эълонлар.
15.10 "Кинонигоҳ".
***

"Тошкент" студияси таништиради:
18.30 Болалар учун. "Табассум".
19.10 "Эсдалик учун дастхат".
19.40 "Ҳар соҳадан бир шингил".
20.00 "Менинг кўчам".
20.15 "Антенна".
20.45 "Кинематограф".
22.00 "Хотима".
22.05 — 23.20 "Зўр ўтирибмиз". Бадиий фильм.

ЎзТВ III

10.00 "Телеоператор нигоҳида". Бухоро.
10.15 "Дидар" (қозоқ тилида).
10.45 "Кашфиётлар ва ихтиролар".
11.25 Қорақалпоқ тароналари.
12.00 — 12.50 Футбол. Кубок эгаларининг кубоги. "Ференцвареш" (Венгрия) — МАСК.
*
18.00 — 19.30 Туркия телевидениеси.
*
19.30 "Мультқарусель".
*

"ЎЗБЕКИСТОН" ТЕЛЕКАНАЛИ

19.40 "Мамлакатлар, воқеалар, одамлар".
20.05 "Қалбим қўри".
20.35 "Би-Би-Си" янгиликлари.
20.50 "Ўзбекистон: ҳамкорлик йўлидан".
21.30 "Американинг барча юлдузлари".
22.10 "Си-Эн-Эн" янгиликлари.
22.25 "Умид" (уйғур тилида).
23.00 — 23.25 "Бу ажиб дунё".

"ОСТАНКИНО" ТЕЛЕКАНАЛИ

17.45 "Бахтли тасодиф".
18.35 "Ўшангача ва ундан сўнг".
19.30 "Бомонд".
19.45 "Останкинонинг етти нотаси". Халқаро мусиқа куни.
20.40 Хайрли тун, кичкинтойлар!
21.00 Янгиликлар.
21.45 — 23.50 "Коламбия пикчерс" таништиради: "Ўтакетган шайдойилар". Бадиий фильм (АҚШ).

Якшанба, 2

ЎзТВ I

7.00 — 9.00 "Ассалом, Ўзбекистон!" Тонгги дам олиш кўрсатуви.
*
9.00 Болалар учун телевизион театр.
10.00 "Ёшлик" студияси. "Ватанимга хизмат қиламан".
10.30 "Маҳоб ҳорат". Кўп қисмли телевизион бадиий видеофильм (Ҳиндистон). 86—87-серия.
12.00 "Соғлом авлод учун!"
12.20 "Ҳуқуқингизни биласизми?"
12.40 — 14.20 "Устоз ва мураббий". Ўқитувчилар кунига бағишланган кўрсатув.
***
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 "Бир томчи". Мультфильм.
18.05 Болалар учун концерт.
18.35 "Ойнаи жаҳонда".
18.55 Эълонлар.
19.00 "Ҳафтанома" (рус тилида).
19.30 Эълонлар.
19.35 "Оламга саёҳат".
20.25 Эълонлар.
20.30 "Ҳафтанома".
21.00 Эълонлар.
21.05 "Барча шодлик Сизга бўлсин!" Мусиқий кўрсатув.
21.45 "Наби Ғаниев. Ижод завқи ва машаққати".
23.15 — 23.45 "Ҳафтанома".

ЎзТВ II

"ОМАД" таништиради:
17.00 "Совға".
17.30 "4/8". Мусиқий кўрсатув.
17.50 "Суперспорт". 1-қисм.
18.20 Эълонлар.
18.25 Видео — "О".
20.00 Эълонлар.
20.05 "Курьер".
20.25 "Эм-Ти-Ви" оҳанглари.
20.45 "Суперспорт". 2-қисм.
21.15 "Кимга қанақа".
21.45 "Даракчи".
21.55 Эълонлар.
22.00 Видео — "О".

ЎзТВ III

10.00 Замонавий ўзбек қўшиқларининг "АНОР" телевизион танлови (такрор).
11.00 "Ҳамкорлик — тараққиёт нишонаси".
11.30 "Юлдузлармиз юлдузлар".
12.30 "Мозийдан ёғдулар".
13.00 Сиз ёқтирган қўшиқлар.
13.35 — 14.05 "Арирон". Корейсларнинг миллий ҳосил байрами.
***
18.00 — 19.30 Туркия телевидениеси.
*
19.30 — 20.30 "Дурдаршн" телекомпаниясининг кўрсатувлари (Ҳиндистон).
*

"ЎЗБЕКИСТОН" ТЕЛЕКАНАЛИ

20.30 "Мамлакатлар, воқеалар, одамлар".
20.55 "Дунё эшиги".
21.35 "Би-Би-Си" янгиликлари.
21.50 "Озгина-ю созгина".
22.05 "Муштараклик".
22.40 "Си-Эн-Эн" янгиликлари.
22.50 Чет эл эстрадаси.
23.30 — 23.50 "Бу ажиб дунё".

"ОСТАНКИНО" ТЕЛЕКАНАЛИ

17.35 "Баскетбол жазаваси", "Ҳақиқий ажина овловчилар". Мультфильмлар.
18.30 "Парнас сари босқич". Фестиваль афишаси.
18.50 Янгиликлар (сурдо таржимаси билан).
19.05 "Мени севгин деб Сизга илтижо қилмайман".. Г. Виноградов.
19.35 "Таксичи". Бадиий фильм (Италия).
22.00 — 22.45 "Якшанба". Ахборот-публицистик кўрсатуви.

● МАДАНИЙ ҲАЁТ

ЯНГИ САҲНА АСАРИ

Шаҳрисабз шаҳридаги ҳаваскорлик дастаси Қори Зокир Содиқ номидаги халқ театрига айлантирилгандан буён кўп хайрли ишлар қилди. Жамоа Улуғбек таваллудининг 600 йиллигига бағишлаб янги саҳна асарини тайёрлади. Икки парда ва тўрт кўринишли Солижон Пўлатов қаламига мансуб «Улуғбек васияти» фожиасини республикада хизмат кўрсатган маданият ходими Элмурод Боймуродов саҳналаштирган.

Юнус УЗОҚОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

● *Шатранж оламида*

НИШОНДА—ЖАҲОН ОЛИМПИАДАСИ

Жаҳон шахмат олимпиадалари ўтказила бошланганига ҳам салкам 70 йил бўлай дебди. Шу ўрада куррамизнинг деярли барча қитъаларида истиқомат қилувчи доングдор гроссмейстеру мастерларни ўзига жалб қилган ана шундай олимпиадалардан ўттизтаси бўлиб ўтди. Дастлабкиси 1927 йили Лондонда ўтказилган бўлса, навбатдаги ўттиз биринчиси шу йилнинг декабрь ойида қадимий олимпиадалар ватани— Грециянинг Салоники шаҳрида тантана қилади.

Хабарингиз бор. Икки йил муқаддам Филиппин пойтахти Манилада бўлиб ўтган ўттизинчи олимпиадада биринчи марта иштирок этган мамлакатимиз вакиллари юздан ортиқ терма жамоалар орасида иккинчи поғонага кўтарилиб, манман деган рақобатчиларни доғда қолдирган эдилар. Бу тарихий ғалаба туфайли етакчи шахматчиларимиз ҳатто жаҳон супер чемпионатида қатнашиш шарафига муяссар бўлдилар. Бинобарин, вазифамиз осон эмас. Такрор синовдан имконият борича яхшироқ ўтиш ниятида терма жамоамиз аъзоларини жангга шайлаш режаси тузилди.

Жамоа таркиби тўртта асосий ва иккита заҳирадаги ўйинчилардан иборат. Республика шахмат федерацияси ўтган олимпиадада юқори натижаларга эришган халқаро гроссмейстерлар В. Логинов, А. Ненашев, Г. Серпер, С. Загребельнийларни асосий ўйинчилар сифатида тасдиқлаб, қолган икки ўйинчи учун танлов ўтказишни лозим топди. Айни кунларда республика шахмат клубида танловнинг биринчи босқичи давом этмоқда. Кейинги босқичга чиқиш ҳуқуқини берувчи ягона ўрин учун халқаро шахмат усталари Т. Воҳидов, Д. Қаюмов, Р. Қосимжонов ва миллий спорт усталари В. Егин, Ш. Сафин, Д. Раҳимов, И. Каримов ва Г. Борисенколар ўзаро баҳс юритмоқдалар.

Уч турдан сўнг икки ярим очко билан И. Каримов билан Ш. Сафин олдинда бормоқдалар. Икки очко жамғарган тажрибали В. Егин учинчи поғонани эгаллаб турибди. Баҳс яна кескинлашиши муқаррар.

Бу сафар аёл шахматчиларимизни ҳам олимпиадага юбориш мақсадга мувофиқ, деб топилди. Зеро, улар жаҳон шахсий биринчилигининг минтақа баҳсида юқори ўрин ва унвонларни олдилар. Аёллар олимпиадасида ҳар бир мамлакатдан тўрт шахматчи қатнашади. Талабгорлар сони анча кўпроқ. Бўлажак анжуманга шайланиш мақсадида кучли ўн нафар шахматчи хотин-қиз ўртасида мусобақа уюштириш яхши самара бермоқда. Мусобақанинг иккинчи турида И. Горшкованинг республика экс-чемпиони Р. Мамедовани енгиши умидли ўринбосарлар борлиғидан нишона. Ҳозир уч имкониятдан икки ярим очко тўплаган Алла Мкртичан пешқадамлик қилмоқда.

Мамажон МУҲИДДИНОВ,
мусобақа бош ҳаками.

● *Ёғочсозлик*

ЖИЗЗАХ (мухбиримиздан). Вилоят ўрмон хўжалиги бошқармаси ходимлари аҳолини ёғочбоп терак билан таъминлашга ҳаракат қилмоқдалар.

Бу йил кузда экиш учун 300 минг туп тез ўсадиган кўк терак кўчатлари тайёрлаб қўйилди. Ниҳоллар вилоятнинг чўл туманларига экилади. Ўрмончилар ёғоч саноатини вужудга келтириш учун юз гектар теракзор барпо этишмоқчи. Тераклар етилгач, ёғочни қайта ишловчи тўртта цех қурилади. Бошқарма раҳбари Маматқул Намозовнинг таъкидлашича, бошқармада йилига минг кубметр ёғоч тайёрланиши керак.

Пардабой ТОЖИБОЕВ.

ТЕРАКЛАР КЎПАЯДИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ
И. МЎМИНОВ НОМИДАГИ ФАЛСАФА ВА ҲУҚУҚ ИНСТИТУТИ
1994 йил учун қуйидаги ихтисосликлар бўйича
ДОКТОРАНТУРА ВА АСПИРАНТУРАГА

ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Диалектика ва билиш назарияси (аспирантура — 1 кундузги, докторантура — 1); фалсафа тарихи (аспирантура — 1 кундузги); ижтимоий фалсафа (аспирантура — 2 сиртқи); дин ва ҳурфикрлилик фалсафаси (аспирантура — 1 сиртқи); давлат ва ҳуқуқ назарияси ва тарихи, сиёсий ва ҳуқуқий таълимотлар тарихи (аспирантура — 1 кундузги, 1 сиртқи; докторантура — 2); фуқаролик ҳуқуқи, оила ҳуқуқи, фуқаролик процесси, халқаро хусусий ҳуқуқ (аспирантура — 1 кундузги, 1 сиртқи); қишлоқ хўжалик ҳуқуқи, ер, сув, ўрмон ва кон ҳуқуқи (аспирантура — 1 кундузги, 1 сиртқи); жиноят ва жазо ҳуқуқи, криминология, аҳлоқ-меҳнат ҳуқуқи (аспирантура — 1 кундузги, 1 сиртқи).

Аспирантурага кираётган шахслар институт директори номига қуйидаги ҳужжатларни илова қилган ҳолда ариза берадилар:

— ходимларни ҳисобга олиш шахсий варақаси ва таржимаи ҳоли;

— иш жойидан тавсифнома-тавсиянома (бошқа ташкилотлардан юборилаётган шахслар учун);

— эълон қилинган илмий ишлар, ихтиролари рўйхати ва илмий-тадқиқот ишлари тўғрисидаги ҳисоботлар (форма бўйича); илмий ишлари ва ихтиролари эълон қилинмаган шахслар танланган ихтисос бўйича илмий маърузалар (рефератлар) тақдим этадилар.

— аспирантурага бевосита олий ўқув юртини тугатганидан кейин тавсия қилган шахслар учун олий ўқув юрти (факультети) илмий кенгаши мажлисининг баённидан кўчирма;

— олий ўқув юртини тугатганлик тўғрисидаги диплом нусхаси;

— номзодлик имтиҳонларини топширганлиги (бор бўлса) тўғрисидаги гувоҳнома;

— меҳнат дафтарчасидан кўчирма.

Докторантурага кираётганлар учун:

— Директор номига ариза;

— ходимларни ҳисобга олиш шахсий варақаси ва таржимаи ҳоли;

— тадқиқот мавзуи бўйича илмий маъруза ва докторлик диссертациянинг кенгайтирилган режа — лойиҳаси;

— матбуотда эълон қилинган илмий ишлар ва ихтиролар ҳамда илмий-тадқиқот ишлари бўйича ҳисоботлар рўйхати (форма бўйича);

— бошқа ташкилотлардан келган шахслар учун иш жойидан берилган тавсифнома-тавсиянома.

Ҳужжатлар — 1994 йил 30 октябргача қабул қилинади.

МАНЗИЛИМИЗ: 700170, Тошкент шаҳри, И. Мўминов кўчаси, 9-уй, 6-қават, тел: 62-93-56, 62-38-87.

ЭШИТМАДИМ ДЕМАНГЛАР!

Мамлакатимиз пойтахтининг иқтисодий, маданий ҳаётига оид хабарлар, савдо, алоқа, транспорт ва бошқа хизмат кўрсатиш тармоқларининг бугунги хилма—хил фаолиятига доир эълон ва билдирувлар, шунингдек, хусусий эълонлар, ҳафталик телекўрсатувлар дастури ёритиладиган ўзбек тилидаги янги нашр — "ТОШКЕНТ ҲАФТАНОМАСИ" октябрь ойидан бошлаб 90.000 НУСХАДА чоп этила бошлайди.

Рўзғор, турмуш муаммоларини ҳал қилишда Сизнинг дастёрингиз, ҳамдард, ҳамнафас кўмакчингизга айланадиган бу ҳафтаномада хабар ва билдирувларини ёритишни истаган корхоналар, ташкилотлар, хусусий шахслардан буюртмалар қабул қилина бошланди.

ТОШКЕНТ ҲАФТАНОМАСИ

1995 йилда асосан обуна йўли билан тарқатилади (нашр кўрсаткичи — 75505)

Ҳозирча эса газета — журналлар оилан савдо қилувчи дукондорлар харидорлар талабини ўрганиб, Ўзбекистон Алоқа вазирлиги матбуот тарқатиш марказининг шаҳар ёки республика бошқармаларига "ТОШКЕНТ ҲАФТАНОМАСИ"га исталган миқдорда буюртма беришлари мумкин.

"ТОШКЕНТ ҲАФТАНОМАСИ" реклама ва эълонларни ёритишда театрлар, кинотеатрлар, маданият ва маориф ҳамда спорт ташкилотларининг буюртмалари, шу жумладан, уруш ва меҳнат ногиронларининг хусусий эълонлари учун айрим ГАЗЕТАЛАРГА ҚАРАГАНДА ИККИ БАРАВАР, РЕКЛАМА—АХБОРОТ АГЕНТЛИГИНИНГ МАВЖУД НАШРЛАРИГА ҚАРАГАНДА ЭСА 25 ФОИЗ КАМ ҲАҚ ТЎЛАШ ИМТИЁЗИНИ БЕРАДИ.

"ШАРҚ"
нашриёт—матбаа концернининг
Реклама—ахборот агентлиги.

ҲУРМАТЛИ МУШТАРИЙЛАР!
ОБУНА ВАРАҚАСИНИ БЕХАТО ТЎЛҒАЗИШГА ҲАРАКАТ ҚИЛИНГ!

Агар обуна "Матбуот уюшмаси" агентлигида расмийлаштирилган бўлса, касса аппаратининг муҳри, алоқа бўлимларида расмийлаштирилганда эса тақвим штемпели, албатта, бўлиши керак.

Бу ҳолда обуначиларга абонемент билан бирга пул қабул қилинганлиги ҳақида квитанция берилади.

АЗИЗ ОБУНАЧИЛАР!

Рўзнома ва ойномаларга обуна варақчасини сиёҳли ручкаларда хатосиз, сўзларни қисқартирмасдан ва тушунарли қилиб тўлғазинг.

Обуначи ўз турар жой манзилгоҳи, насаби, исми ва отасининг исмини аниқ ёзиши талаб этилади.

Обуна варақчасидаги "ПВ-Жойи" деган ёзувли катакларни алоқа бўлинмалари ва "Матбуот уюшмаси" агентликлари ходимлари тўлғазади.

МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ

Бош муҳаррир Азим СУЮН

Ватанпарвар ва миллатсевар нашр

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

Мафкура ишлари ва партия ҳаёти бўлими — 33-20-36, 32-54-35.
Иқтисодиёт бўлими — 33-47-80, 32-54-27.
Парламент фаолияти ва ҳуқуқ бўлими — 33-54-55, 32-55-06.
Адабиёт, фан ва маданият бўлими — 33-07-20, 32-57-19.
Хатлар ва оммавий ишлар бўлими — 33-11-49, 33-76-04.
Ахборот ва спорт бўлими — 33-12-56, 32-55-16.
Тижорат, эълонлар — «Осиё бозори» редакцияси — 33-41-89, 32-55-70, 33-38-55, 32-54-12.
Қабулхона — 33-65-45, 32-55-15.

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:
Андижонда — 5-27-11; Бухорода — 3-54-87; Гулистонда — 2-26-22; Жиззахда — 3-31-86; Навоийда — 3-74-76; Наманганда — 6-43-43; Нукусда — 7-58-83; Қаршида — 3-25-79; Қўқонда — 52-624; Самарқандда — 35-22-90; Урганчда — 6-72-60; Фарғонада — 6-37-16.

● Рўйхатдан ўтиш тартиби № 000120.
Газета офсет усулида А—2 форматида босилади.
Ҳажми 2 босма табоқ.
Босишга топшириш вақти — 21.00, топширилди — 21.50
Г—1086 т. 72841 нусхада босилди.
Навбатчилар: А. МАННОПОВ, Р. ШОДИЕВ.



МАНЗИЛИМИЗ: 700083. ТОШКЕНТ, МАТБУОТЧИЛАР КЎЧАСИ, 32-УЙ.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили «Буюк Турон» кўчаси 41-уй. 123456.